БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 121

28 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР партия ва ҳукумат раҳбарлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини бориб кўрдилар (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **Т. Орипов.** — Юзаки раҳбарлик оқибати. **М. Ғозиев.** — Савдо-сотиқ ишларига раҳбарликни кучайтирайлик (2-нчи бет).

М. Григорьян. — Людвиг Фейербах (2 ва 3-нчи betлар).

Пахтакор ўртоқлар! Ғўза парваришини янада кучайтириб, ҳарбир туп ғўзада мўл ҳосил тўпланишига эришайлик! (3-нчи бет).

Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Миннинг халққа мурожаати (4-нчи бет).

Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротеволь Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ҳузурида бўлди (4-нчи бет).

Қхмер (Камбоджа) қаршилик кўрсатиш ҳукуматининг бош министри Сон Нгок Миньнинг халққа мурожаати (4-нчи бет).

Совет ҳукуматининг нотаси тўғрисида Отто Гротевольнинг баёноти (4-нчи бет).

Патет-Лао (Лаос)да урушни тўхтатиш тўғрисида буйруқ (4-нчи бет).

Хайнань ороли районида инглиз самолёти блан бўлган можарога доир (4-нчи бет).

Лекция пропагандасини юксак вазифалар даражасига кўтарайлик

Коммунизм ижодкори бўлган совет халқи ўзининг шонли йўлида янгидан-янги тарихий галабаларга эришмоқда. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг сўнгги кунларда матбуотимиз саҳифаларида эълон қилинган ахбороти социалистик Ватанимиз қудратининг яна ҳам ўсганлигидан, коммунистик қурилишимиз йўлида олга қўйиладиган катта қадам бўлган бешинчи бешйиллик планнинг тўртинчи йили топшириқлари муваффақият блан амалга оширилаётганлигидан дарак беради.

Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида совет халқи эришаётган оламшумул-тарихий галабаларни, КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорларини кенг пропаганда қилиш, бу қарорларнинг чуқур мазмунини кенг меҳнаткашлар оммаси онгига етказиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу катта ва шарафли вазифанинг муваффақият блан амалга оширилишида пропаганданинг бевосита оммавий аудиторияларда жонли сўз воситаси блан ўтказиладиган лекция формаси алоҳида устунликларга эгадир. Пропаганда қилишнинг лекция каби энг қулай ва оммабоп формасидан тўла ва кенг фойдаланиш — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини яхши йўлга қўйишнинг зарур шартларидан биридир, барча партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифадир.

Партиямиз олиб бораётган буюк тарбиявий ва ташкилотчилик ишлари натижасида областимизда лекция пропагандаси ишининг ҳозирги юксак талабларига тўла жавоб берадиган, зарур назарий билимларга эга бўлган, коммунизм ишига садоқатли, принципиал ва марксизм-ленинизм идеяларини оммага қизиқарли ва тушунарли қилиб етказиш маҳоратини эгаллаган жуда кўп пропагандист кадрлар етишиб чиқди. Областимиздаги кўпгина партия ташкилотлари, уларнинг раҳбарлиги остида иш кўраётган илмий ва сиёсий билимлар тарқатучи жамиятнинг район бўлимлари лектор кадрларни қунт блан тарбияламоқдалар, лекция пропагандаси ишига партиямиз сиёсатини ҳар томонлама чуқур тушунадиган, уни шу кунинг вазифалари блан маҳкам боғлаб олиб бораоладиган кишиларни жалб этмоқдалар.

Броқ, областимиздаги ҳамма партия ташкилотларида ҳам лектор кадрлар блан ишлаш яхши йўлга қўйилган деб айтиб бўлмайди. Айрим партия ташкилотларида лекция пропагандасининг ҳозирги савияси кундан-кун ўсиб бораётган юксак талабларга жавоб бермайди, кўпинча лекторлик иши назарий жиҳатдан етарли билими бўлмаган кишиларга топширилиб қўйилмоқда, етарли даражада илмий ва сиёсий тайёргарлиги бор, аммо лекция пропагандаси тажрибасига эга бўлмаган кишиларга эса, мунтазам методик ёрдам берилмаётир.

Ба'зи район партия комитетларининг секретарьлари лекция пропагандаси меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг қулай воситаси эканлигига етарли баҳо бермаётирлар. Ташкилий ишлар ёмон йўлга қўйилганлиги натижасида областимизнинг бир қатор районларида, масалан Мирзачўл, Ховос районларидаги кўпчилик колхозларда ойлаб лекциялар ўтказилмайди. Бу ишни йўлга қўйишда бой имкониятларга эга бўлган Янгийўл район партия ташкилотида ҳам лекциялар жуда сийрак бўлиб, улар уюшқоқлик блан ўтказилмайди, лекцияларга жуда оз тингловчилар қатнашади, хотин-қизлар уларга деярлик жалб этилмайди. Тошкент шаҳар Октябрь районидаги ипакчилик комбинати қурилишида 6 ой мобайнида бирорта ҳам лекция ўтказилмаган, шунинг учун бу ердаги қурилиш ишларининг жуда сust олиб борилаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Областьдаги шаҳар ва район партия комитетлари қошидаги лекторлар группалари, шу жумладан штатсиз лекторлар группаларининг ишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуддир.

КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш ҳақидаги сентябрь Пленуми қарорида, партия ва ҳукуматнинг шундан сўнгги қарорларида мичуринча илгор агробиология ва агротехника фанини ва илғор деҳқончилик тажрибасини кенг пропаганда қилишнинг зарур эканлиги алоҳида та'кидлаб ўтилган эди. Броқ, айрим район партия комитетлари бу муҳим вазифага иккинчи даражадаги иш деб қарамоқдалар. Штатсиз лекторлар составида партия ва совет ходимларидан жуда кам киши тортилганлиги устига, лекторлар орасида қишлоқ хўжалик мутахассислари, илғорлари ва агробиология фани соҳасида ишлаётган илмий ходимлар ҳам жуда кам учрайди. Ўқилаётган лекциялар темасининг ҳозирги кунининг талабига мувофиқ бўлишига, уларнинг сифати устидан контрольлик қилиб туришга ҳам тўла эришилмаётир. Ўқилаётган лекцияларнинг текстлари кўпинча лекторлардан талаб қилиниб олинмаётир ва бу текстларни муҳокама қилиш ишлари доимий равишда олиб борилмаётир.

Партия ташкилотларининг вазифаси — лекцияларнинг темаларини олдиндан тузиб муҳокама қилиш, лекцияларнинг планларини тузишда, материаллар танлашда лекторларга ёрдам бериш, лекция учун тайёрланган текстларни муҳокама қилиш, муҳокама вақтида юзаки чиликка ва ҳатоларни хаспўшлаб кетишга мутлақо йўл қўймаслик ҳамда лекторлар ўртасида танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳартарафлама кенгайтиришдан иборатдир. Шуни ҳам унутмаслик керакки, лекция пропагандаси ишининг муваффақиятли бўлишида лекторлар малакасини доим ўстириб бориш, уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича диссертация устида узлуксиз ишлаб боришлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Марксизм-ленинизм назарияси юзасидан, философия ва сиёсий-иқтисод темаларида ўқилаётган лекцияларнинг ҳам савиясини анча кўтариш зарур. Район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари оммавий аудиторияларда турли темаларда, айниқса Коммунистик партия ва Совет давлати тарихи ва сиёсати ҳақида ўқилаётган лекцияларнинг ижодий равишда ҳаёт блан боғланган бўлишига, уларнинг догматизм, қароатхонлик, цитатабозликдан ҳоли бўлиши учун курашишлари керак. Бу лекцияларда Коммунистик партия ва Совет давлати амалга ошираётган сиёсат СССР халқларининг ҳаётий негизи эканлигини, совет халқи моддий ва маданий фаровонлиги даражасини тўхтовсиз ўстириб бориш, мамлакатимиз ишчилар синфи блан деҳқонлари иттифоқини янада мустаҳкамлаш, халқлар дўстлиги ва социалистик жамият ма'навий-сиёсий бирлигини тўбора мустаҳкамлаш, дун'ёда тинчлик учун' кураш олиб бориш шу сиёсатнинг энг асосий белгилари эканлигини алоҳида та'кидлаб кўрсатмоқ зарур. Бунда раҳбар партия ходимларининг лекторлар блан тез-тез суҳбат қилиб туришлари, партия ва ҳукуматнинг энг муҳим қарорлари блан уларни таништириб боришлари жуда муҳим роль ўйнайди.

Коммунистик партиянинг ҳаётбахш марксча-ленинча идеяларини кенг меҳнаткашлар оммасига муттасил етказиб туруғи лектор-пропагандистлар зиммасига юклатилган вазифалар ғоят катта ва фахрлидир. Бу вазифаларга муносиб бўлмоқ учун ҳарбир лектор-пропагандист ўз ишини севиши, назарий билимларини тинмай ошириб бориши, Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатидан, халқаро аҳволдан доимо хабардор бўлиб туриши керак, ўз пропагандистлик фаолиятида содда ва равшан, мустаҳкам мантиқ блан фикрлаш ва сўзлашга интилиши лозим. Лектор-пропагандистлар назарий қоидаларни маҳаллий фактлар, шу кунинг конкрет вазифалари блан қўшиб баён қилишлари, умуман назарияни коммунистик қурилиш практикасидан ҳеч вақт ажратмасликлари зарур.

Партия ташкилотлари идеология ишининг энг муҳим соҳаси — пропаганда ишларини, шу жумладан лекция пропагандасини шундай йўлга қўйишлари керакки, бу иш ўз кўлами ва мазмуни жиҳатидан партия XIX с'езди, КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорлари томонидан қўйилган улуғвор вазифалар юксаклигида бўлсин.

СССР партия ва ҳукумат раҳбарлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини бориб кўрдилар

Совет Иттифоқининг партия ва ҳукумат раҳбарлари К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчёв ва Н. Н. Шаталин ўртоқлар 25 июльда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига бориб, павильонларни, иншоотларни, экспонат экинлари ва кўчат участкаларини, шунингдек боғни ва чорвачилик фермаларини кўздан кечирдилар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош комитетининг раиси, СССР қишлоқ хўжалик министри И. А. Бенедиктов ва виставка директори академик Н. В. Цицин партия ва ҳукумат раҳбарлари блан бирга юриб, ма'лумот бериб турдилар.

Павильонларда, экспонат экинлари участкаларида ва чорвачилик фермаларида қишлоқ хўжалик илғорлари — виставка қатнашчилари ўз ютуқлари тўғрисида ҳамда виставкага келтирилган экспонатлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчёв ва Н. Н. Шаталин ўртоқлар Бош павильон блан, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаш павильони блан, Украина ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Арманистон ССР, Озарбайжон ССР, Эстония ССР, Латвия ССР павильонлари ва Сув хўжалиги павильони блан муфассал танишдилар.

Партия ва Ҳукумат раҳбарлари та'кидлаб ўтдиларки, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси социалистик қишлоқ хўжалигининг ўсишини ва ютуқларини, колхоз ва совхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришдаги муваффақиятларнинг кенг акс этдиради. Виставка илғор тажриба ва қишлоқ хўжалик фани ютуқларининг ажойиб мактабидир. Виставка қатнашчиларининг тажрибасини барча колхозларнинг, машина-трактор станциялари ва совхозларнинг иш практикасига кенг жорий қилиш СССР қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг қудратли манба'и бўлади. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги, маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасидан илғор тажрибани ва фан ютуқларини кенг пропаганда қилиш ва ишлабчиқаришга жорий қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда колхозлар, МТСлар, совхозлар ва барча қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш учун фойдаланишлари лозим.

Партия ва Ҳукумат раҳбарлари ҳар гектар ердан самарали фойдаланаётган ва ҳар 100 гектар экинзор, ўтлоқзор ва яйловдан энг кўп миқдорда маҳсулот олаётган илғор колхозларнинг ва совхозларнинг тажрибасини кенгроқ кўрсатиш ва пропаганда қилиш зарурлигига э'тибор бердилар.

Донли экинлардан юқори ҳосил олишга эришган, давлат олдидаги мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришни та'минлаган ва закупка тартибида кўп миқдорда ғалла сотган илғор колхозларнинг, совхозларнинг, районларининг виставкада кўрсатилган тажрибаси Партия ва Ҳукумат раҳбарларининг э'тиборини жалб қилди. Краснодар ўлкасидаги Кореновский райони виставкада ўз ишларини муфассал кўрсатади. Бу район 1952—1953 йилларда 29.350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 21,8 центнердан дон ҳосили олишга эришди. Челябинск областидаги Верне-Уральский райони 1953 йилда 60 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 19,7 центнердан баҳори буғдой ҳосили олди. Шу районидаги «Петропавловский» совхози 18,7 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 22,4 центнердан баҳори буғдой йиғиб олди. Қозоғистон ССР павильонида илғор колхоз ва совхозларнинг қўриқ ерларни ўзлаштириш тажрибаси кўрсатилган. Кўкчетов области Рўзаевский районидаги «Путь к свету» колхози 1953 йилда 716 гектар қўриқ ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан баҳори буғдой ҳосили йиғиб олди.

Қишлоқ хўжалигини Механизациялаш ва электрлаш павильонида энг янги типдаги ва маркадаги тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари кўздан кечирилди, улар саноатнинг социалистик қишлоқ хўжалигига берадиган қудратли техникаси хилларининг жуда кўплигини кўрсатади. Виставка Бош комитети ва дирекциясига қўриқ ерларда ишлатиладиган машина ва қуролларни ҳам павильонда янада муфассалроқ кўрсатиш зарурлиги айтилди.

Экспонат донли экинлар участкаларида академик Н. В. Цицин ўзи ва унинг ходимлари етиштирган 1-нчи сонли буғдой-ғалласимон ўт дурагайи сорти блан таништирди. Виставка участкасида гектарига 70 центнерга етказиб ҳосил олиш кутилмоқда. Яна шу ерда академик Цицин буғдой — ўт дурагайини аввал чорва молларига бериш учун кўкламда ўриб олиш ва сўнгра ўсганидан кейин дон етиштириш юзасидан муваффақиятли тажриба ўтказилган участкани кўрсатди. СССР Совхозлар министрлигида ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигида мамлакатнинг турли зоналаридаги туйроқ ва иқлим шароитларини назарда тутиб бу сортни совхоз ва колхозларнинг далаларида кўп етиштириш таклиф қилинди.

Сабзавот участкасида Партия ва Ҳукумат раҳбарлари квадрат-уялаб усул блан экилган картошка ва сабзавот экинлари, сабзавот ва полиз экиларининг юқори ҳосилли кўп сортларини кўздан кечирдилар. 7 гектардан кўп майдонни эгаллаб турган ва ҳозирги вақтда мўл ҳосил бераётган боғ ва резавор мевалари участкаси муфассал кўздан кечирилди.

Виставкада турли зотлардаги юқори маҳсулдор чорва моллари зўр қизиқиш блан кўздан кечирилди. Колхоз чорвачилик фермалари қисмида Кострома область, Кострома районидаги «XII Октябрь» колхозининг зоотехниги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Лишченко ҳарбир сигирдан ўрта ҳисобда 5.012 килограмм сут соғиб олаётган колхоз фермасидаги сигирларни Партия ва Ҳукумат раҳбарларига кўрсатди.

Архангельск область, Холмогори районидаги «Новая жизнь» колхозининг зоотехниги Н. Е. Фомина холмогори зотидан бўлган сигирларни кўрсатди. Бу колхозда ҳар 100 гектар экинзор, ўтлоқзор ва яйлов ерга 17 тадан сигир тўғри келади, ҳарбир сигирдан ўрта ҳисобда 4.615 килограмм сут соғиб олинмоқда. 1953 йилда «Новая жизнь» колхози ҳар 100 гектар экинзор, ўтлоқзор ва яйлов ер юзасидан 762 центнердан сут олди.

Партия ва Ҳукумат раҳбарлари виставка қатнашчилари — колхозчилар ва совхоз ишчилари блан суҳбатлашдилар. Бу колхозчилар ва совхоз ишчилари маҳсулдорлик жиҳатидан рекордли бўлган чорва моллари етиштирдилар ва уларни виставкага келтирдилар.

Черкасск области, Золотоноша районидаги «Большевик» колхозининг сут соғучиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Е. А. Кириченко бирнеча сигирларни кўрсатди. У 1953 йилда буларнинг ҳар биридан ўрта ҳисоб блан 7.865 килограмм сут соғиб олган. Чернигов области, Малая Девица районидаги Киров номли колхозининг сут соғучиси М. Н. Стельмах лактация даврида 12.783 килограмм сут берган «Зозуля» деган сигирни кўрсатди. «Караваево» совхозининг бригадири икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Иванова ва шу совхозининг сут соғучиси А. И. Смирнова виставкага келтирилган кострома зотидаги бир қанча сигирлар тўғрисида сўзлаб бердилар, бу сигирлар орасида йилига 13.572 килограмм сут берадиган «Комса» сигири алоҳида ажралиб туради.

Виставканинг чорвачилик қисмида юқори маҳсулдор қўйлар, чўчқалар ҳамда СССРда етиштирилаётган отларнинг энг яхши зотлари ҳам кўздан кечирилди.

«Қўйчилик» павильонида Ставрополь ўлкаси Левокумское районидаги «Красний будённовец» колхозининг Кавказ зотидан бўлган 171-нчи сонли қўчқори алоҳида ажралиб туради. Бу қўчқорнинг оғирлиги 126 килограмм бўлиб ундан йилига 23,2 килограмм майин жун олинмоқда.

Краснодар ўлкасидаги «Венци—Заря» совхози виставкага «Самоучка» деган эркак чўчқани келтирган, унинг оғирлиги 530 килограмм.

Виставка отхоналарида Арзамас области, Починки районидаги «День урожая» колхозининг совет оғир юкчи зотидан бўлган «Сатир» деган айғири кўрсатилди. У юк тортишда рекордли даражага эришди: бу от 15 тонна 453 килограмм юк тортди. Москва 1-нчи от заводининг орёл йўрга зотидаги «Квадрат» деган айғир 1.600 метр масофани икки минут 8 секунд ичида босиб ўтади.

Шунингдек виставкадаги бошқа экспонатлар ҳам кўздан кечирилди.

Партия ва Ҳукумат раҳбарлари виставка ходимлари коллективининг виставкани қуриш, безаш ва қўкламзорлаштириш соҳасида катта иш қилганлигини та'кидлаб ўтдилар.

Шунингдек виставка қатнашчиларини танлашда ва экспонатлар тайёрлашда маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари катта иш қилганликлари ҳам та'кидланди. Партия ва Ҳукумат раҳбарлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришга, совет мамлакатида тез вақт ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилишга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

Пландан ташқари икки миллион сўмлик трикотаж маҳсулот

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг коллективи биринчи ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди. Ўтган йилнинг худди шу даврига қараганда пландан ташқари 2 миллион сўмдан ортиқ турли хил маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган вақт ичида меҳнат унуми пландагига нисбатан 6 процент ошди. Фабриканинг юзлаб илғор ишчилари ҳозирнинг ўзидаёқ бешйиллик нормаларини бажариб қўйдилар.

Фабрика коллективи бу муваффақиятларга ишчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғор ишчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун системали кураш олиб бориш, мавжуд асбоб-ускуна ҳамда ички резервлардан унумли фойдаланиш орқали эришди.

Фабрика дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари корхонада меҳнатни ташкил этиш, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланиш, қўл блан бажариладиган ва аёлларга қўл меҳнат талаб этиладиган иш процессларини механизациялаш, мавжуд ишлабчиқариш майдонидан маҳсулот олишни кўпайтириш масалаларига алоҳида э'тибор бериб келмоқдалар. Масалан, яқинда тўқув цехидаги ускуналарни рационал тартибда қайта жойлаштириш натижасида бу цехга яна қўшимча равишда турли хил 20 та янги машина ўрнатишга муваффақ бўлинди.

Меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда рационализатор ва ихтиро'чиларнинг ҳиссаси каттадир. Илгарилари фабрикадаги кўпгина цехларда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келтириладиган ипак лента-лар етишмаслигидан иш тўхтаб қоларди. Бу муҳим масала устидан вертелочний цехининг инженери ўртоқ Х. Исматиллаев цех коллективи блан биргаликда иш олиб борди. Натижада ипак лента-ларни фабриканинг ўзида тайёрлаш йўли топилди. Шундай қилиб, фабрикадаги цехларнинг бир ме'ёрда ишлаши та'минланди. Бу метод йилига давлатнинг 180 минг сўм миқдордаги маблағини иқтисод қилиш имкониятини берди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бежирим, пишиқ ва чиройли бўлишига алоҳида э'тибор берилмоқда.

Фабрика коллективи аҳоли томонидан кўп талаб қилинаётган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тобора кўпайтираётир. Масалан, капрон пайпоқларни ишлаб чиқариш 1953 йилдагига қараганда 30 бараварга яқин кўпайди. Ҳозир фабрикада 50 хилга яқин турли рангдаги эркаклар сорочкаси тайёрланмоқда. Хотин-қизлар учун жакетка, юбка, ипак шарф ва кашнэлар ишлаб чиқариш ҳам тобора кўпайтирилмоқда. Бу йил фабрика коллективи 20 хилга яқин янги фасондаги ҳартурли трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқишни ўзлаштиради.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Корея масаласи ҳал қилиниши мумкин ва ҳал қилиниши керак

Кореяда яраш тўғрисида Паньминьжонда битим имзоланганига бугун бир йил тўлади. Яраш битими имзоланганлиги ва корейс халқининг ҳоҳишига қарамай бошланган урушнинг тугаганлиги қаҳрамон корейс халқининг ва шонли хитой халқ кўнгиллиларининг катта ғалабаси бўлди, шунингдек бутун демократик лагерьнинг жуда катта муваффақияти бўлди. Шу блан бирга яраш битими имзоланганлиги Американинг Кореядаги агрессияси маглубиятга учраганлигини, Америка Қўшма Штатларининг авантюристик планлари барбод бўлганлигини кўрсатучи далил бўлди.

Кореяда яраш битими имзоланганлиги ҳозирги халқаро вазиятда жанжалли масалаларни ҳал қилишнинг бирдан-бир тўғри ва бирдан-бир мумкин бўлган йўли манфаатдор мамлакатлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли бўлганлигини тамомила равшан кўрсатди. Энг мураккаб халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли блан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин, бунинг учун яхши тилак блан ҳоҳиш кўрсатиш ва томонларнинг манфаатларини э'тиборга олишга интилиш керак.

Ҳинди-Хитойда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида Жанвада эришилган битим ҳали ҳозирча ҳал қилинмаган муҳим халқаро масалаларни яхши ҳоҳиш бўлган тақдирда музокаралар олиб бориш йўли блан бартараф қилиш ва ҳал этишга эришиш мумкинлигини кўрсатучи янги далил бўлиб хизмат қилади.

Жанва кенгашида Корея масаласи ҳам ана шундай муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин эди. Хитой Халқ Республикаси ва Корея Халқ-Демократик Республикаси сингари Совет ҳукумати ҳам Жанвада Корея масаласи юзасидан муваффақиятли қарорга эришиш учун ўз томонидан ҳамма тадбирларни кўрди. Броқ, ба'зи делегациялар, асосан Америка Қўшма Штатлари делегацияси тўсқинлик қилганликлари оқибатида Жанва кенгаши бу масалалар юзасидан ижобий натижаларга эришмади.

Жанва кенгашида Корея масаласини муҳокама қилган биринчи кунларданоқ АҚШ делегацияси кенгашдан халқ душман бўлган лисиманчилар режимини Шимолий Кореяга ҳам ёйиш учун, АҚШ ва унинг агрессия бўйича иттифоқчилари уч йиллик шиддатли урушда қурол ёрдами блан эришаолмаган ниятига эришиш учун фойдаланишга уринди. Зўравонлик сиёсати Жанвада муваффақиятсизликка учраётганлиги равшан бўлиб қолгач, АҚШ делегацияси Корея масаласининг муҳокама қилинишини тўхтатиб қўйиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрди. Шу мақсадда у обструкция тактикасини қўлланди. АҚШ делегацияси бир фикрга келиш истагини кўрсатишга мумкин бўлган ҳеч қандай таклиф киритмай, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи делегацияларининг Корея масаласини узил-кесил ҳал қилишга йўл очадиган ва шу сабабдан кенг жамоатчилик қўллаб-қувватлаган ҳамма таклифларини рад қилаберди.

Шундай қилиб Жанва кенгашида Корея масаласини муҳокама қилиш вақтида бир-биридан тамомила фарқ қиладиган икки хил сиёсий йўл очиқ ва равшан кўринib қолди. Бу йўлларнинг бири миллий мустақиллик, давлат суверенитети асосида Осиё халқларининг эркин ривожланишларини та'минлашни кўзда тутади. Иккинчи йўл эса, Осиёда мустамлакачи давлатларнинг даври ўтиб кетган имтиёзларини сақлаб қолишдан иборатдирки, Осиё халқлари унга қат'иян қарши чиқмоқдалар.

Фақат АҚШ делегацияси ва Кореядаги агрессия қатнашчилари бўлган бошқа мамлакатларнинг АҚШ делегациясига эргашучи делегациялари Кореяда узил-кесил тинчлик ўрнатишга, яраш. ни мустаҳкам тинчликка айлантиришга қаратилган қарорлар қабул қилинишига тўсқинлик қилганликлари учунгина Жанва кенгаши Корея масаласи юзасидан битимга эришмади.

Эрксевар корейс халқи ўзи учун ниҳоятда муҳим бўлган масаланинг Жанва кенгашида муҳокама қилиниши тўхтатилганлигини ғазаб ва нафрат блан кутиб олди. Корейс халқи Америка делегациясининг тутган йўлига ла'натлар ўқиди. Шу блан бирга корейс халқи Корея проблемаси кун тартибидан олинган эмас ва кун тартибидан олиниши ҳам мумкин эмас ва бу проблема адолат блан ҳал қилиниши керак, деб қаттиқ ишонч билдирди.

Уруш тўхтатилиши блан корейс халқи олдида корейс давлатининг миллий бирлигини тиклаш ишида жуда катта вазифалар ва шу блан бирга халқ хўжалигини тиклаш вазифалари турди. Фактлар шу нарсани кўрсатиб ўтадики, мамлакатнинг жанубида ҳукмронлик қилаётган Америкали интервенциячилар ва уларга итоат қиладиган Ли Син Ман ҳукумати янада зўр бериб қуролланиш тўғрисидагина ўйлаб, тинч экономикани тиклаш вазифаларигу бутунлай э'тиборсиз қараётган бир вақтда бу вазифалар Кореяннинг шимолида муваффақият блан бажарилмоқда.

Корея Халқ-Демократик Республикасининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқининг ва халқ демократияси мамлакатларининг ёрдамларига таянib, Корея Меҳнат партиясининг раҳбарлиги остида урушда вайрон бўлган халқ экономикасини тиклаш учун қаҳрамонларча курашмоқдалар. Вайрон бўлган заводлар ва фабрикалар тикланмоқда, янги уйжойлар қурилмоқда, қишлоқ хўжалиги аввалги ҳолатига қайтарилмоқда. Шимолий Кореянинг ҳамма қисмларида ҳаёт ва ижодий иш тантана қилмоқда. Жанубий Кореяда аҳвол тамомила бошқача. У ерда вайроналик, очлик ва қашшоқлик, полиция террори ҳукм сурмоқда.

ҚХДР Корея масаласини тинч йўл блан узил кесил ҳал қилиш учун ва мамлакатнинг миллий бирлигини тиклаш учун изчиллик блан курашаётган бир вақтда, Ли Син Ман океан нариёғидаги ўз хўжайинларининг далдаси блан янги агрессия тайёрлаб ўз қуролли кучларини яна 15—20 дивизия миқдорида кўпайтиришга ҳозирланмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетасининг Вашингтондаги мухбири берган хабарига қараганда, Американинг «Узоқ Шарқ проблемалари блан шуғулланучи органлари» аввалда Ҳинди-Хитой учун белгиланган маблағлардан Ли Син Манга қўшимча ҳарбий ёрдам беришни таклиф қилганлар.

Тинчликсевар халқлар Кореяда узил-кесил тинчлик ўрнатилишига даставвал АҚШ ҳукмрон доираларининг позицияси тўсқинлик қилмоқда деб тўғри айтмоқдалар, чунки АҚШ ҳукмрон доиралари барбод бўлган зўровонлик сиёсатига маҳкам чирмашиб олмоқдалар.

Тамомила равшанки, халқларнинг иродаси блан ҳисоблашмаётганлар ва уларнинг озодлик ва мустақиллик сари интилаётганликларини э'тиборга олмаётганлар ўзларининг сиёсатидан муқаррар мағлубиятга учрайдилар. Лекин АҚШ ҳудди ана шундай позицияда турганлигини фактлар кўрсатмоқда. АҚШ Корея масаласининг тинч йўл блан ҳал этилишини хоҳламаслик уёқда турсин, балки Осиёдаги вазиятни янда кўпроқ чалкаштиришга ва ёмонлаштиришга интилмоқда. Америка дипломатиясининг Шарқи-Жанубий Осиёда ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган халқларга қарши қаратилган ҳарбий блок тузиш йўлида зўр бериб қилаётган уринишлари буни яна бир марта кўрсатиб туради.

Корея масаласи ҳал қилиниши керак. У корейс халқининг манфаатларига мос равишда ҳал қилиниши мумкин ва ҳал қилиниши керак. Бу масаланинг ҳал қилинмай қолиши каби аҳволга жамоатчилик рози бўлаолмайди. У тўхтаб қолган музокараларни яна бошлаш мақсадида манфаатдор давлатларнинг янги йўллар қидиришни давом этдиришларини талаб қилмоқда. Айниқса ҳозир, Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланганлиги энг кескин жанжалли халқаро масалалар юзасидан битимларга эришиш мумкинлигини яққол намойиш қилиб турган бир вақтда кенг жамоатчилик доираларининг бу қат'ий талабларини э'тиборсиз қолдириш мумкин эмас. Корея масаласининг тинч йўл блан муваффақиятли ҳал қилиниши, шубҳасиз, Осиёда ва бутун дун'ёда халқаро кескинликни янада юмшатишга олиб келган бўлар эди.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, у корейс халқининг Кореяни мустақил ва демократик давлат ҳисобида тез вақт ичида миллий жиҳатдан бирлаштиришга интилаётган демократик кучлар томонида турди ва турибди. Совет Иттифоқи Корея ва бошқа мамлакатларда Кореянинг демократик асосларда тинч бирлашувига ёрдам беришга талабгор бўлаётган демократик кучлар томонида турди ва турибди.

Совет ҳукуматининг Жанва кенгаши тўғрисидаги баёнотида кўрсатиладики, СССР Кореяни миллий бирлаштириш манфаатларини кўзлаб ва Осиёда ҳамда бутун дун'ёда тинчликни та'минлаш манфаатларини кўзлаб Корея масаласининг тез вақт ичида ҳал қилинишини та'минлашни қат'иян зарур деб ҳисоблайди.

(«ПРАВДА»нинг 27 июльдаги бошмақоласи).

Вьетнам демократик республикаси делегациясининг Москвага келиши

26 июльда Вьетнам Демократик Республикасининг Жанва кенгаши ишларида иштирок этган Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Фам Ван Донг бошлиқ делегацияси Москвага келди.

Делегацияни аэродромда СССР Министрлар Советининг Биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин, Ташқи ишлар министри Жанубий-Шарқий Осиё бўлимининг мудири К. В. Новиков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг 1-нчи Европа бўлимининг мудири А. А. Лавришчев, Москва шаҳар Советининг раиси М. А. Яснов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари А. Н. Капустин, Москва шаҳар Коменданти вазифасини бажаручи полковник В. Н. Ковалев ва бошқалар кутиб олдилар.

Делегацияни шунингдек Вьетнам Демократик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуэн Лонг Банг бошлиқ дипломатик состави, Хитой Халқ республикасининг вақтли ишончли вакили Вэнь Нинь ва Мўғулистон Халқ Республикасининг вақтли ишончли вакили Тойболар кутиб олдилар. (ТАСС).

Давлатга ғалла топшириш плани бажарилди

БЎКА (**«Тошкент ҳақиқати** мухбиридан). Район колхозларида давлатга ғалла топшириш уюшқоқлик блан бошланди. Вильямс номли, Ленин номли, Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик артельлари давлатга ғалла топшириш планини тез кунда ошириб бажардилар. Ленин номли колхоз ғалла топшириш планини 150 процентга етказиб бажарди.

Колхозларда район матлубот союзи йўли блан давлатга ғалла сотиш давом қилмоқда. Ленин номли, Вильямс номли колхозлар ўз эҳтиёжларидан ошиқча бўлган ғалланинг бирнеча ўн тоннасини давлатга сотдилар.

Колхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ярим йиллик планини ҳам ошириб бажардилар. Ғўшт, сут, юнг, тухум ва бошқа маҳсул

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Юзаки раҳбарлик оқибати

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Турсунхўжа Ҳайдаровни кундузи соат 12 да ўз кабинетида учратдик. У, қандайдир қарор проектини тайёрлаш блан банд эди. Сводкалар, турли ма'лумотлар столга тўпланган. Колхоз бухгалтери ўртоқ Эргашев ҳам партком секретарига ёрдамлашмоқда.

Колхоз партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорини ҳарбир колхозчига ва ҳарбир механизаторга тушунтириш соҳасида қандай ишлар қилаётгани блан танишдик. Қўлимизда шу қарорни муҳокама қилган партия йиғилишининг протоколи. Унда 9 модда ёзилган. Ҳарбир моддани охирида «ма'қуллансин, топширилсин, кўрсатилсин» деган иборалар ёзилган. Қарорда қилинадиган конкрет иш ва уни бажаришга жавобгар бўлган шахслар кўрсатилмаган. Ваҳоланки, Куйбишев номли колхоз ҳаётида кечиктириб бўлмайдиган ишлар кўп. Лекин, партия йиғилишида пахтадан мўл ҳосил етиштиришни та'минлаш, 1400 гектар майдондаги ғалла ҳосилини қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш, давлатга ғалла, чорва маҳсулотлари топшириш каби муҳим масалалар ишчанлик блан муҳокама қилинмаган.

Колхоз бу йил 736 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 21,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Лекин пахтачилик бригадаларида ғўза парваришининг бориши қониқарли эмас. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори муҳокама қилинганидан кейин ҳам ғўза парваришида жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Ўртоқ Ислом Эргашев бошлиқ бригада ғўзалари ҳаддан ташқари сифатсиз парвариш қилинмоқда. Кетман чопиғи 5—6 сантиметрдан чуқур эмас. Бу ерда катта майдондаги ғўза сувдан қолдирилган.

Ғўза парваришидаги бундай нуқсонлар колхознинг бошқа бригадаларида ҳам содир бўлаётир. Жума Ниёзов бошлиқ 5-нчи бригадада, ўртоқ Иброҳим Шеранов бошлиқ 6-нчи бригадада ғўзалар ўсишдан қолган, сувсизликдан ғўзанинг шона ва гуллари тўкилабошлаган. МТСнинг шу колхоздаги агрономи ўртоқ Саидбеков ғўза парваришини кучайтиришда ҳеҳқандай роль ўйнамаётир.

Пахтачиликда механизация воситаларидан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Лекин бу колхозда ишлаётган 6 универсалнинг биронтаси ҳам нормал ишламайди. Ҳар куни 2—3 трактор турли сабаблар блан бекор туради. Трактористлар ўртасида меҳнат интизоми бўш. Тракторчиларнинг кўпи ишга кеч чиқиб, эрта қайтади. Шунинг натижасида бу колхозда хизмат қилаётган 2-нчи трактор бригадасининг а'золари бирор кун ҳам культивация нормасини бажарганлари йўқ.

Ғўза парваришида рўй бераётган юқоридаги нуқсонларни тугатишда партия ташкилоти ташаббускорлик кўрсатмайди. Меҳнат унумини ошириш, иш сифатини яхшилаш учун сиёсий-оммавий ишлар кучайтирилмаган. Дала шийпонлари оммавий-агитация марказига айлантирилмаган. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳайдаров 3 ой давомида бирорта агитатор блан суҳбатлашмаган ёки бирор бригадада бўлаётган суҳбатда қатнашмаган. У, агитаторларнинг қандай ишлаётганларини билмайди.

Колхозда ғалла ўрим-йиғими бошланди. Ҳозир ўримда 4 та комбайн ишламоқда. Бирнеча юз колхозчи бу иш блан банд. Лекин ғаллакорлар ўртасида оммавий-агитация ишларини олиб боришда ҳам партия ташкилотининг иши кўринмайди. Агитаторлар рўйхати бор-у, амалий иш йўқ. Ғалла ўрим-йиғими давом этаётган ерларда бирорта плакат ёки шиорни кўрмайсиз.

Оҳангарон районидаги Куйбишев номли колхоз йирик қишлоқ хўжалик артельларидан биридир. Бу колхоз партия ташкилоти каттагина кучга эга. 30 дан кўпроқ КПСС а'зоси бор, Комсомоллар сони 60 га етади. Лекин партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Ҳайдаров КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорини амалга оширишда фаолиятсизлик кўрсатаётир.

Бу колхозда рўй бераётган камчиликлар Оҳангарон районидаги Калинин номли, Охунбобоев номли, Жданов номли колхозларда ҳам бор. Бу колхозларда бригада бошлиқлари, колхоз активлари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори тўғрисида пухта тушунчага эга эмаслар.

Юқоридаги фактлар район партия комитетининг қишлоқ меҳнаткашлари орасида КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини кенг пропаганда қилиш иши блан изчил шуғулланмаётганлигини кўрсатади. Райком раҳбарлари йиғилишлар ўтказиш, топшириқлар бериш усулини ҳали ҳам кўп қўлламоқдалар. Шу блан ишда юзакичиликка йўл қўймоқдалар. Район партия комитети колхоз бошлағич партия ташкилотларига раҳбарлик қилишда иш усулини тубдан ўзгартириши зарур.

Т. ОРИПОВ.

Тошкент районидаги 5-нчи мактабнинг ёш мичуринчилари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик выставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ёш мичуринчилар бу шарафга мактаб олдидаги тажриба участкасида пахта, сабзавот, дон, полиз, цитрусь ва бошқа экинлардан йилдан-йил мўл ҳосил етиштириб келаётганликлари туфайли эришдилар. Жумладан, ёш мичуринчилар ўтган йили гектардан 60 центнердан пахта етиштирдилар. Улар ҳар қути ипак қурти уруғидан 110 килограммдан пилла ҳосили олишга муваффақ бўлдилар. **Суратда:** Пионер ва ўқучилар ўзлари ўстирган мевазор боғнинг ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

Э. Погореченко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

Янги ўқув йилига тайёргарликни ҳартомонлама кучайтирайлик

(мухбирларнинг хатларига обзор)

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир областимиздаги шаҳар ва район халқ маорифи органлари, мактаб коллективлари ҳамда бутун жамоатчилик олдида мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ва намунали тайёрлаш каби масулиятли вазифа турибди. Давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим вазифанинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг халқ маорифи органлари ишига кун сайин конкрет ва оператив раҳбарлик қилиб туришларига ҳамда мактабларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида қондириб туришларига боғлиқдир.

Областимиз шаҳар ва районларидаги мактабларда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида редакциямизга кўплаб хабарлар келмоқда.

Ўртоқ **Х. Жалилов**нинг хабар қилишича Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 28-нчи (директори К. Расулев), 15, 16, 65 ва 41-нчи мактабларнинг бинолари, мебель ва инвентарьлари сифатли ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилган. Шунингдек мактаблардаги ўқув-тажриба кабинетлари ҳам тўлиқ жиҳозлантирилмоқда. Мактабларни ўқув йилига муддатидан олдин тайёрлашда район партия, совет ва жамоат ташкилотлари ҳамда ота-оналар комитетлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Тошкент районидаги мактабларда, — деб ёзади ўртоқ **И. Мансуров**, — ремонт ишлари, ўқув куроллари сотиб олиш, қишлик ўтин, кўмирни тайёрлаш ва ташиб келтириш қизғин давом этмоқда. Ҳозир район мактаблари учун 210 тонна кўмир, 120 кубометр ўтин, 5300 сўмлик янги инвентарь, 12 минг сўмлик кўргазмали ўқув куроллари ва кутубхоналар учун 10 минг сўмлик турли адабиётлар сотиб олинди.

Шарипов, Т. Сиҳарулидзе, Д. Содиқов ўртоқларнинг редакциямизга хабар қилишларига қараганда областимизнинг Ўртачирчиқ, Октябрь районларида ва Чирчиқ шаҳарида мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида намунали тайёрлаш, ўқув ёшидаги болаларни рўйхатга олиш, ўқув тажриба кабинетларини кўргазмали ўқув куроллари ва тажриба асбоблари, кутубхоналарни адабиётлар блан та'минлаш иши яхши уюштирилган. Ўртоқ **Тошхўжаев**нинг ёзишича, Қуйи-чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР бешиллиги» совхозининг 6-нчи бўлимида жойлашган тўлиқсиз ўрта мактаб баноси янги ўқув йилига бекам-кўст тайёрлаб қўйилган.

Лекин областимизнинг ҳамма шаҳар ва районларида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари муваффақиятли олиб борилаётир, деб айтиб бўлмайди. Бу соҳада бирмунча жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Ўртоқ **Э. Раҳмонов** бундай деб ёзади.

— Сирдар'ё район раҳбарлари, колхоз правлениелари ва қишлоқ советининг раислари мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишига э'тиборсизлик блан қарамоқдалар. Райондаги 24, 26, 11 ва 21-нчи мактабларда шу вақтга қадар ремонт ишлари бошланмаган. Мактаб бинолари ва инвентарьларини ремонт қилиш арзимаган баҳоналар блан кечиктирилмоқда.

Оҳангарон шаҳридаги тожик мактабларини, — деб ёзади ўртоқ **С. Шамсиева**, — дарсликлар блан та'минлаш иши ёмон аҳволда. Ўтган ўқув йилида тожик мактабларининг биринчи синфи учун «Алифбе», 2, 3, 4-нчи синфлар учун «Ўқиш китоби» олинмади. Шунингдек 6 ва 7-нчи синф ўқучилари тожик тили грамматикаси дарслиги блан та'минланмади. Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига дарсликлар сўраб ҳар йили заявка устига заявка берилади-ю, лекин Министрлик бу масала блан жиддий шуғулланмаётир. Бу йил ҳам тожик мактабларини дарсликлар блан та'минлаш ишида ҳеҳқандай силжиш йўқ.

Областнинг Паркент ва Бўка районларида ҳам мактаблар ремонти район раҳбарларининг э'тиборидан бутунлай четда қолмоқда. **Я. Исматов** ва **Ю. Баҳодиров** ўртоқлар бу районлардаги кўпгина мактаб биноларинни, мебель ва инвентарьларни ремонт қилиш, ўқиш ёшидаги болаларни рўйхатга олиш ва қиш учун ўтин-кўмир тайёрлаш иши жуда ҳам кечиктириб юборилаётгани ҳақида хабар қиладилар. Паркент ва Бўка районларининг халқ маорифи бўлимлари ва район ижроия комитетлари ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, мактабларни янги ўқув йилига ҳар томонлама пухта тайёрлаш тадбирларини амалга оширишлари ва бу соҳадаги мавжуд камчиликларни тезда тугатишлари керак.

Областимизнинг ҳамма шаҳар ва районларида ўқиш ёшидаги болаларни тўла ҳисобга олиш блан бирга, мактаб бинолари, инвентарьлари, ўқув кабинетларидаги тажриба асбоблари сифатли ремонтдан чиқарилишига, лабораторияларни зарур жиҳозлар, ўқитучиларни программалар ва методик қўлланмалар блан, ўқучиларни эса дарсликлар блан тўлиқ та'минлашга, қиш учун етарли миқдорда ёқилғи запаслари тайёрлаб қўйишга, педагоглар составини мустаҳкамлашга ва улар учун зарур бўлгач ҳамма маданий-маиший шароитларнинг яратиб берилишига эришиш керак.

Савдо-сотиқ ишларига раҳбарликни кучайтирайлик

Марказий универмаг партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида

Яқинда Тошкент марказий универмаг партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Йиғилиш партия ташкилотининг иши ҳақида партия бюросининг секретари ўртоқ Хрусталевнинг докладини муҳокама қилди.

Совет савдосини ривожлантириш, халқ исте'мол қиладиган ҳамма моллар блан аҳолини мўл-кўл та'минлашда савдо ходимлари зиммасига катта вазифалар юклатилган. Савдо ходимлари харидорларнинг кундалик ўсиб бораётган талабларини қондириш блан бирга уларга а'ло сифатли моллар етказиб беришлари керак.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Совет савдосини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарори савдо-сотиқ ишларини тубдан яхшилашни муҳим вазифа қилиб қўйди.

Универмаг партия ташкилоти СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг совет савдосини янада ривожлантириш тўғрисидаги қароридан кейин ҳам ўз ишини қайта қуриб олмаган. Партия ташкилоти хўжалик ташкилотларининг иш фаолиятлари устидан бўш назорат қилмоқда.

Ҳисобот доклади юзасидан сўзга чиққан кўпгина коммунистлар савдо ходимлари ўртасида оммавий-тарбиявий ишлар қониқарсиз бораётганлигини та'кидладилар

— Партия бюроси, — деди трикотаж бўлимининг мудири ўртоқ Соснина, — бўлим мудирларининг ҳисобини тез-тез эшитиб турмаётир ва бўлимлардаги ишлар блан қизиқмаётир. Партия бюроси савдо ходимлари ўртасида социалистик мусобақани кучайтириб юборишга етакчилик қилмаётир. Шунинг учун кўпгина бўлимлар савдо-сотиқ планларини бажармаётирлар.

— Айрим бўлимларда партия группалари ташкил қилинган эди, — деди ўз сўзида коммунист ўртоқ Рогожино, — аммо партия бюроси уларнинг ишига раҳбарлик қилмай қўйди Партгруппаларда ҳеҳқандай иш қилинмаган. Партия бюросининг а'золаридан Ҳусанов, Тўлаганов, А'замова ўртоқлар универмагнинг жойлардаги филиал ва бўлимларида бўлмайдилар. Улар асосан қарор чиқариш, мажлис ўтказиш блан кифояланиб қолаётирлар.

Музокарада сўзга чиққан Фролова, Сайдалиев, Аширхўжаев ўртоқларнинг айтишича, партия бюросининг секретари Хрусталев келишучилик қилиб универмаг директори ўртоқ Чиркинга нисбатан талабчанлик қилмаётгани учун кўпгина қимматли моллар савдогарларга сотилмоқда. Универмагда молларни бўлимларга тақсимлаш системаси қўпол равишда бузилганидан фойдаланган бир тўда савдогарлар гилам ,тикув машинаси каби қимматли молларни магазиндан олиб, ортиқча баҳо қўйиб сотмоқдалар.

Универмаг ходимлари ўртасида меҳнат интизоми бўш. Малофеева, Козлова каби кассирлар кўп вақт харидорларга ёмон муомалада бўлмоқдалар. Ғуломов, Ракитина каби мол сотучиларнинг харидорлар блан қўпол муомалада бўлганликлари ҳақидаги ариза ва шикоятлар ўз вақтида кўрилмаётир. Блоштейн, Островский каби бўлим мудирлари харидорларнинг ариза ва шикоятларига бюрократларча қарамоқдалар.

— Аммо, — деди ўз сўзида коммунист ўртоқ Шихрев, — шикоятларни кўришга доир масалани партия йиғилишида бир марта юзаки муҳокама қилиш блан кифояланиб қолинди.

Музокарага чиққан коммунистларнинг сўзидан ма'лум бўлдики, партия ташкилоти совет савдосини янада ривожлантириш, харидорларга хизмат қилишни яхшилашга етарли аҳамият бермаётир. Партия бюроси коммунистларнинг танқидларидан тегишли хулоса чиқариб, партиявий-сиёсий ишларни юқори даражага кўтармаган. Ўтган партия йиғилишларида сўзга чиққан коммунистлар айрим партия а'золарининг сиёсий ўқиш машғулотларига сабабсиз қатнашмаётганликлари тўғрисида гапирган бўлсалар ҳам бу сигналларга ўз вақтида қулоқ солинмади. Натижада айрим коммунистлар марксизм-ленинизм кечки университетидаги машғулотларга қатнашмай қўйганлар, партия маорифи шохобчаларидаги машғулотлар устидан партия контроли етарли ўрнатилмагани учун ўқув йили программаси бажарилмай қолди.

Харидорларнинг талаб ва истакларини писанд қилмай ўз шахсий манфаатларини кўзловчи кўпгина ходимлар директор ўртоқ Чиркин томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Антонина Чернопятова бўлимга келган қимматли чарм пальтонинг ҳаммаси харидорлар учун тақсимланиб қўйилганига қарамай, у контрольлик вазифасидан фойдаланиб бирини ўзига олади. Пальтога пул тўлаб келган харидорга Чернопятова бошқа арзон баҳодаги пальтони бермоқчи бўлганда қўлга тушади. Чернопятованинг бундай хиёнати ҳақидаги материал ҳатто Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг коллегиясида ҳам муҳокама қилинниб, унга универмагдан бўшатиш тўғрисида министр буйруқ берди. Шунга қарамай директор Чиркин Чернопятовага виговор бериш блан универмагнинг 1-нчи филиалига, бошқа каттароқ иш тайинлайди. Чернопятова ҳозир яна ўзининг эски ишига ўтиш учун ҳаракат қилиб юрибди. Бундай фактларнинг ҳаммаси партия бюросининг секретари ўртоқ Хрусталевга ма'лум бўлса ҳам у, ҳеҳқандай чора кўрмай келмоқда.

Партия ташкилоти ва унинг бюроси республика партия матбуотининг универмаг ишидаги жиддий танқидий материалини муҳокама қилиш блан кифояланиб, газетада кўрсатилган хато ва камчиликларни изчиллик блан тугатиш чорасини кўрмаган. Ўртоқ Хрусталев ходимларнинг ишчанлик қобилиятларини ошириш, маданий савдо-сотиқ ишларини тубдан яхшилаш соҳасида ташкилотчилик қилмаётир.

Тошкент марказий универмаги партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши универмаг ходимларининг харидорларга маданий хизмат кўрсатиши паст савияда эканлигини кўрсатди ва бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни тугатишни партия ташкилотининг янги составидан қатъиқ талаб қилди.

М. ҒОЗИЕВ.

Қиска сатрларда

◇ Тошкент район, Эркин қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда икки гектар ерда янги парник хўжалиги ташкил этилиб, теплица қурилди. Теплица қиш фаслида ҳам турли хил ўсимликлар ўстирадиган алоҳида ҳоналарга эга.

Ғ. Абдуллаев.

◇ Чирчиқ. Тошкент область ижроия комитетининг қарорига биноан яқинда шаҳарда болалар кутубхонаси очилди. Ҳозир кутубхонада 10 мингга яқин турли сиёсий, бадиий илмий-оммабоп китоблар бор. Кутубхонанинг 400 дан ортиқ ўқучиси мавжуд китоблардан кенг фойдаланмоқда. Кутубхона мудири Муҳаббат Ғуломова ёш китобхонлар ўртасида турли темаларда суҳбат ўтказиб турипди.

Р. Аминов.

◇ Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг 1, 10, 11, 13 бригадаларига ва кўпгина бошқа бригадаларнинг дала шийпонларига радиокарнайлари ўрнатилди. Шунингдек 50 дан ортиқ колхоз а'зосининг уйига ҳам радио тўчкалари ўрнатилди.

С. Мўминов.

◇ Тошкент. М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида ҳамда «Родина» кинотеатрида турли темаларда тез-тез лекциялар уюштирилмоқда. Шу кунгача 30 га яқин лекция ўқилди. Лекцияларни сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи область жамиятининг а'золари ҳамда малакали лекторлар ўқимоқдалар. «КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори ва унинг аҳамияти», «Ислом динининг реакцион моҳияти», «Тошкент шаҳрининг қайта қурилиш генерал плани», «Сил касаллиги ва унга қарши кураш» темаларида ўқилган лекциялар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

А. Абдумажидов.

Экскурсияга жўнаб кетдилар

Тошкент шаҳридаги Островский номли пионерлар саройининг тўгарак а'золаридан 15 пионер яқинда Фарғона областига жўнаб кетди. Ёш саёҳатчилар областнинг миллионер пахтакор колхозлари ҳамда Марғилон шаҳридаги саноат корхоналарини тамоша қиладилар.

Шунингдек улар отоқли ўзбек совет шоири, драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яшаган жойларга, унинг мазбарасига борадилар. Саёҳатчилар жонажон мактабларига ажойиб табиат манзараларини акс эттириучи фото суратлар ва бой коллекциялар тўплаб қайтадилар.

Экскурсиячилар орасида 15-нчи мактаб ўқучиларидан Не'мат Мирзаев, Анвар Юсупов ва 1-нчи мактабдан Т. Қосимова, 20-нчи мактабдан Матлуба Исломова каби ўқучилар бор.

Х. ЖАЛИЛОВ.

Колхозчилар учун концертлар

Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон Давлат филармониясининг бир группа солистлари Янгийўл районининг Ленин номли колхозига борib, катта концерт қўйиб бердилар. Концертда Ўзбекистон ССР халқ артистларидан Карим Зокиров, Фотима Бўрухова, Ш. Раҳимова ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Каримоваларнинг ижро этган ашулалари ва рақслари тамошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Яқинда Янгийўл шаҳрининг Ворошилов номли маданият ва истироҳат боғида Сталин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Тамарахоним концерти бўлди. Концертда Тамарахоним турли миллат ашулаларидан ижро этди. Концертни шаҳар аҳолисидан мингдан ортиқ киши тамоша қилди.

А. АЗИМОВ.

Людвиг Фейербах

(Туғилганига 150 йил тўлиши муносабати блан)

Бутун прогрессив инсоният Людвиг Фейербах туғилган куннинг 150 йиллигини нишонламоқда. Марксдан илгари ўтган буюк материалист мутафаккирлардан бири, отоқли немис философи Людвиг Фейербах материалист сифатида философия майдонига ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари охирида чиқди. Бу даврда Германия революция арафасида турган эди. Ишлабчиқариш муносабатларининг феодал системаси ва мамлакатнинг тарқоқлиги миллий саноат ва савдонинг ривожланишига қаттиқ тўсқинлик қилди, буржуазия эса миллий саноат ва савдонинг ривожланишидан манфаатдор эди. Буржуазия аввал бошда бу соҳада ҳам эски жамият заминда вужудга келган янги ишлабчиқариш кучларига эркинлик берилишига тарафдор бўлди. Лекин немис буржуазияси феодализмга ва абсолютизмга қарши курашда амалда етарлик революционлик ва изчиллик кўрсатмади. У ўз мамлакатининг ташқарисида ҳам, ичида ҳам революцион ҳаракатнинг кенг миқ'ёсда кўтарилиб кетишидан қўрқар ва унда муросага келиш майли бор эди.

Революция арафасида идеология соҳасида ҳам кураш янада кучайган эди. Революцион ситуация пишиб етилаётган шароитда гегельча философия мактабида ажралиш бошланди. Ундан «эски гегельчилар» ва «ёш гегельчилар» ажралиб чиқдилар: «эски гегельчилар» феодал монархияни ва черковни ошкора ҳимоя қиладилар, «ёш гегельчилар» эса, либерал буржуазия манфаатларини ифодалаб, феодал идеологияни, айниқса христиан динини танқид қиладилар. Синфий курашнинг бевосита соҳаси бўлган сиёсат, Энгельс та'кидлаб ўтганидек, «жуда нозик» ва хавфли соҳа бўлган, шу сабабдан феодал дун'ёга қарши кураш шу феодал дун'ёнинг ма'навий таянчи бўлган христианликка қарши чиқиш формасига кирган эди. Гарчи бундай ғайри формада чиқишлар феодализм сиёсий тузумига қарши қаратилган бўлсада, лекин турли философик оқимлар ўртасидаги кураш, шу жумладан ёш гегельчиларнинг айрим намояндалари (Штраус, Бруно Бауэр) ўртасидаги кураш ҳам, идеализм доирасидан чиқмади.

Фақат Фейербах, деб кўрсатган эди Маркс, ҳақиқий кашфиётлар қилди ва «умуман эски (я'ни идеалистик, гегельчи. — М. Г.) философияни чинакам енгди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, 3 том, 634 бет). Маркс ёш гегельчиларнинг кибр блан шов-шув кўтаришларига, уларнинг, гўё, бу дамгача нома'лум бўлган қандайдир «ҳақиқатларни» кашф этдик, деб қилган қуруқ да'воларига Фейербахнинг дун'ёга чинакам янги материалистик қарашни асослаш соҳасидаги оддий, лекин жиддий ва мунтазам ишини қарши қўяди.

Фейербах ўз философик фаолиятининг бошлағич даврида ёш гегельчиларга қўшилган эди. Броқ у, XIX асрнинг ўрталаридаги немис буржуазиясининг табиёт, техника, маориф ва буржуа гуманизмининг ривожланишидан манфаатдор бўлган энг радикал демократик доираларининг намояндаси бўлгани сабабли, кўп ўтмай идеализмнинг сохталигига ва материалистик қарашнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилди.

Фейербах мард ва мустақил характерли киши эди. Броқ у ҳам, немис буржуазиясининг бошқа вакилларидан қарқанча устун турганига қарамай, феодализмга қарши фақат назарий йўлда кураш олиб боради, холос, сиёсатга ва амалий фаолиятга ниҳоятда бепарво қарайди. Унинг сиёсатдан йироқлиги Германиядаги 1848 йилги революцияни тушунишига халақит беради. Фейербахнинг ўзи ҳам, бу революцияда фақат танқидий кўз блан қаровчи сифатидагина иштирок этдим. деб ёзган эди.

Шунга қарамай, Фейербахнинг идеализмга ва динга қарши эҳтирос блан олиб борган кураши немис жамиятининг илғор қисмида буржуа-демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар тўғрисида ўша замон учун прогрессив идеалларнинг ривожланишига ёрдам берди.

ФЕЙЕРБАХНИНГ МАТЕРИАЛИЗМНИ АСОСЛАГАНЛИГИ

Л. Фейербахнинг тарихий хизмати аввало шундаки, у 17—18-нчи асрлардаги буржуа материализмининг илғор традицияларини немис заминида қайта тикладиа ва ҳимоя қилиб қолди. Германиянинг ўша вақтдаги философлари орасида биринчи бўлиб у материализм тантанасини қат'ият блан э'лон қилди, гегельчи идеализм идеяларининг узоқ вақт давом этган ҳукмронлигидан кейин у материализмнинг ҳуқуқларини тиклади. Философиянинг асосий масаласини — тафаккурнинг борлиққа, онгнинг табиатга муносабати ҳақидаги масалани Фейербах материалистик асосда ҳал этади. У табиатнинг инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда, об'ектив мавжудлигини э'лон қилади.

Фейербах философияни реформа қилиш тарафдори бўлди ва эски философия ўрнини олган янги философия аслда антропологик характерда бўлиши лозим, деб исботлашга ҳаракат қилди. Фейербахнинг фикрича, антропологик философия даставвал табиёт блан боғланади. Бу боғланиш, — деб кўрсатган эди Фейербах, — философия блан теология ўртасидаги мезальянсга, я'ни номуносиб боғланишга қараганда узоқроқ, яхшироқ ва самаралироқ давом этади.

Фейербах идеализмга қарши чиқиб, одамнинг бирлигини исботлашга ҳаракат қилди. У идеалистларнинг ҳамма найранглари одамнинг бирлигини инкор этишга асосланганлигига чуқур ишонган эди. Фейербах айтар эдики, идеалист тафаккурни тандан ажратар экан, тафаккур материя яратучи илоҳий бир кучга айланиб қолади. У, дуалистларнинг, гўё, танни материянинг маҳсули, руҳни эса — худонинг маҳсули деб ҳисоблаш керак, деган нуқтаи назарини келтириб: «Ахир, бу мужмал гапку, иккига ажратиб ташлашку, аврасини астарга айлантиришку» деб ҳитоб қилган эди (Л. Фейербах. Асарлар, 3 том, 168 бет). Тафаккурнинг борлиққа ҳақиқий муносабатини, — деган эди Фейербах, — фақат мана бундай ифодалаш мумкин: «Борлиқ — суб'ектдир, тафаккур — предикатдир» (Асарлар, 1 том, 71 бет).

Одамни асос қилиб олган Фейербах уни табиатдан ажратмади ва уни табиатга қарама-қарши қилиб қўймади. Фейербахнинг фикрича, антропологик принципни тўғри қўллансак, у вақтда табиат, материя одамни келтириб чиқаручи бирдан-бир ва ҳақиқий субстанция бўлганлигини мукаррар э'тироф қиламиз. Шунинг учун ҳам, у ўз философиясининг об'ектини та'рифлар экан, менинг философиям **«одамни (шу жумладан,** одам базиси бўлган **табиатни** ҳам) философиянинг **бирдан-бир, универсал ва олий предметига** айлантиради» деб ёзган эди (Л. Фейербах, «Келажак философиянинг асослари», 76 бет).

Броқ, Фейербах назарида одам, асосан, биологик зотдир. У одамнинг социал характерини, унинг табиатга актив, практик муносабатини кўрсатмайди. Фейербахча, антропологик материализмнинг характерли томонларидан бири — унинг кузатучилик характерига эга эканлиги мана шунда кўринди.

Фейербах табиатни тавсифлар экан, даставвал унинг моддий характеризи кўрсатади. Фейербахнинг та'рифича табиат жисмоний, моддийдир, ҳис қилинучидир. Материя яратилган эмас, у абадий ва чексиздир. Табиатнинг сабабини, — деб кўрсатган эди у, — табиатнинг ўзидан қидириш керак. Табиат, материя бирламчи, онг иккиламчидир. Идеалистлар ўйлаганларидек, табиат руҳга асосланган эмас, балки, аксинча, руҳ табиатга асосланган. «Фейербах, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — философик идеализмнинг ҳитойча соч ўрнимни кесиб ташлади, я'ни табиатни ҳеҳқандай «эвазлаш»дан ҳоли равишда асос қилиб олди» (В. И. Ленин, Асарлар, 14 том, 255 бет).

Фейербах идеалистик философияга қарши курашиб, дун'ёга реалистик қарашни ҳимоя қилди. Идеалистик абстракциянинг ўлик схемаларига у конкрет, ҳис қилинучи, сифатий моҳиятга эга бўлган табиатни ҳардоим қарама-қарши қўйди. Фейербахнинг та'рифича, табиат, материя, Т. Гоббс айтганидек, абстракт-геометрик миқдор эмас, Спиноза айтганидек абстракт, вақт блан боғлиқ бўлмаган ва ҳаракатсиз субстанция эмас. Табиат — ҳилма-хил бўлиб, у ёруғлик, электр, ҳаво, сув, ўт, ер, ўсимликлар ва бошқалар сингари одамга тушунарлидир, у ҳамма сезгилар блан ҳис қилинади.

Фейербах вақт ва фазога материалистик назардан қаради. Бу категориялар тўғрисидаги идеалистик тушунтиришни у қат'иян рад қилди. Вақт ва фазодан ташқарида материя бўлиши мумкин эмас; Фейербах нуқтаи назарича, замон ва макон — борлиқнинг яшаш формасидир. Фейербах идеалист кантчиларнинг зарурият, сабабият, қонуниятлар табиатга одам идроки блан жорий қилинади, деган да'воларига кескин суратда қарши чиқди. Аксинча, — деди у, — ақл-идрок борлиққа, табиатга қонунлар белгилаб бермайди, балки воқи'ликнинг қонунлари тафаккурнинг ҳам қонуларидир. Фейербахча философиянинг тўғри «асосий мағзи» материянинг бирламчилигини ва онгнинг иккиламчилигини шу равишда э'тироф қилишдан иборатдир.

Аммо Фейербах материализмининг ништари метафизикага қарши қаратилмай, балки фақат идеализмга қарши қаратилган, Фейербах Гегель мактабини ўтганига қарамай, деалектика унга ёт эди. Фейербахнинг э'тибор марказида турган нарса — табиатнинг ўзгаруванлигини эмас, балки унинг об'ективлигини исботлашга, қонуният ва зарурият-нинг тариҳийлигини эмас, балки уларнинг об'ектив аҳамиятини исботлашга интилиш бўлди. Фейербах ўзидан аввал 17—18 асрларда ўтган материалистларнинг та'лимотларидаги метафизикликка хотима бермади. Унинг антропологик материализми метафизик материализмнинг бир туридир.

Фейербах материалистик билиш назарияси позициясида турди, у инсон идеялари, тушунчалар ўз мазмуни блан воқи'ликдаги нарса ва предметларнинг асл ҳолатига мосдир, деб э'тироф этди. Материалист Фейербах Кантни унинг дун'ёни билиб бўлмаслик тўғрисидаги та'лимоти (агностицизм) учун жуда қаттиқ танқид қилди. Инсоннинг билиши учун, — деб исботлаган эди Фейербах, — ўтиб бўлмас ҳеҳқандай ғов йўқ: инсоннинг билиши ривожланиб бориб, бизга табиатнинг энг чуқур сирларини очиб бераолади. Агар одамда сезгилар ва органлар кўп бўлганида эди, деди Фейербах, у вақтда одам дун'ёда кўп хусусият ёки нарсаларни топмаган бўлар эди. Материалист Фейербахнинг сўз'ективизма ва агностицизмга қарши курашда чиқарган хулосаси чуқур оптимизмдан, инсон ақлининг кучларига чексиз ишонишдан иборат: бу дамгача биз билмаган нарсаларни бизнинг авлодларимиз биладилар.

Фейербах билишнинг боши, бошлағич пункти сезги деб ҳисоблади. У, ўз философиясига ҳиссиётни, моддийликни реабилитациялаш (оқлаш) деб қаради. Лекин материалист Фейербах назарида сезги одамни ташқи дун'ёдан ажратиб қўймайди, балки у блан боғланади, чунки сезги ташқи дун'ёнинг одамнинг сезги органларига кўрсатган та'сирининг натижасидир. «Менинг сезгим, — деб ёзган эди. Фейербах, — суб'ективдир. Лекин унинг негизи ёки сабаби (Grund) об'ективдир» (В. И. Ленин, Асарлар, 14 том, 136 бет).

Шу блан бирга, илмий негизда билиш кузатув ва мушоҳада блангина бошланишини Фейербах тушунар эди. Фейербахнинг та'рифича, одам «мураккаб, абстракт, ғойиб предметларни «англамоқ учун» энг оддий, аниқ ва мавжуд ҳиссиётга» асосланиши лозим (Л. Фейербах, Асарлар, 3 том, 202 бет). Фейербах билишнинг боши сезги ва тажриба деб ҳисоблайди ва билиш процессида ақл муҳим роль ўйнайди деган фикрни олга суради.

Фейербах ақл функциясини нимада кўрди? Сезгилар айрим-айрим тасаввур қиладиган нарсаларни, — деб кўрсатган эди у, — ақл бир-бирига боғлайди. Сўзлар ўртасидаги боғланиш уларга ма'но киритгани сингари, сезги органлари берган ма'лумотлар ақл ёрдами блан бир-бирига боғланганидагина англанади. «Биз табиат китобини сезгилар ёрдами блан ўқиймиз, лекин табиатни тушунишимиз сезгилар воситаси блан бўлмайди» (Асарлар, 1 том, 143 бет).

Аммо, — дейди яна Фейербах кантчиларга э'тироз билдириб, — гўё табиат китоби эгри-бугри ҳарфлар йиғиндисидан иборат ва фақат ақлгина тажриба оламини тартибга ки

Пахтакор ўртоқлар! Ғўза парваришини янада кўчайтириб, ҳарбир туп ғўзада мўл ҳосил тўпланишига эришайлик!

☆ ☆

Ғўза парваришини бўшаштирмай, йиғим-теримга пухта тайёрланайлик

ОҚҚУРҒОН (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори район колхозлари, механизаторлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўртасида кенг пропаганда қилиниб, унда белгиланган муҳим вазифаларни тўла амалга ошириш, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

Ҳарбир колхоздаги далачилик ва трактор бригадаларига малакали агитаторлар бириктилди. Колхозчилар ўртасида социалистик мусобақа кенгайди, улар июль ойининг қолган кунларида ва август ойи давомида ҳамма майдондан мўл ҳосил олишни та'минлаш учун ғўзани қўшимча парвариш қилмоқдалар.

Пахтачилик колхозларида звено бўлиб ишлаш соҳасида йўл қўйилган хатолар тузатилмоқда. Районда машҳур пахта устаси, звено бошлиқларидан Маманота Қўлдошев, Абдувалиполвон Тошматов, Цой Сергей ва ёш пахтакорлардан Зиёев, Абдуллаев ўртоқлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Райондаги кўпгина бригада ва звено бошлиқлари Маманота Қўлдошевнинг ғўзани озиқлантиришдаги тажрибаларини, Абдувалиполвон Тошматовнинг ғўзани суғориш усулларини ўрганиб, уларнинг тажрибаларини ўз звеноларида амалга оширмоқдалар.

Районда ғўзани қондириб суғоришга алоҳида э'тибор берилаётир. Сталин номли, Тельман номли ва Ворошилов номли колхозларда тажрибали сувчилар тунги суғоришни намунали уюштирмоқдалар. Тельман номли колхозда суғориш юзасидан белгиланган графиклар июль ойида ошириб бажарилди. Сув ходимлари, гидротехниклар сувни нобуд қилишга қаршн кураш олиб бормоқдалар. Илғор сувчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш яхши натижалар бермоқда.

Сталин номли колхозда (раиси ўртоқ Парпиев, партия бюросининг секретари ўртоқ Пўлатов) июль ойининг кейинги бешкунлигида ҳам ғўза парвариши юзасидан белгиланган график ошириб бажарилди. Колхозда ишлаётган ҳарбир «Универсал»нинг ўртача бажарган иши 16,5 гектарга етди. Суғориш, ўғитлаш ва кетман чопғи ишлари ҳам жадал бормоқда. Бу колхозда ҳарбир колхозчи июль ойи давомида 65—70 меҳнат куни ишлаш, ҳарбир универсалчи 400—450 гектар ғўзага ишлов бериш мажбуриятчни олган эди. Пахтачилик иши блаз банд бўлган 650 колхозчи июль ойининг 20 кунида 50 — 60 тадан меҳнат куни ишлади. Норма бажармовчилар ўтган ойга нисбатан жуда камайди. Ҳозир колхозда ҳамма бригада, звенолар ғўза чеканкасини сифатли ўтказиш учун кураш. моқдалар. Тельман номли, Ворошилов номли, Маленков номли колхозларда ҳам ғўза парвариши уюшқоқлик блан бораётир.

Лекин айрим колхоз правлениелари ва бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини кенг пропаганда қилиб, ғўза парваришини кучайтириш ишига бепарво қарамоқдалар. Навоий номли колхозда содир бўлган аҳволни алоҳида кўрсатиш керак. Бу колхозда июнь Пленуми қарорини кенг муҳокама қилиш ва аҳолига тушунтириш ишида колхоз бошланғич партия ташкилотига ёрдам бериш учун 1-нчи МТС партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шигапов юборилди, лекин колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Азимов) бу муҳим ишга юзаки қаради. Бу қарорни колхозчиларга нариданбери ўқиб бериш блан қаноатланилди. Қарорни кенг муҳокама қилиб, ҳарбир колхозчига етказиш ва унда белгиланган тадбирларни тўла амалга ошириш чоралари кўрилмади. Ҳолбуки, сувга яхши қонмаган, авжи паст, ҳосилдан қолаётган ғўзалар кўп. Қир участкасидаги 6-нчи бригадада 80 гектардан ошиқ майдондаги ғўза парваришсиз қолган. Бу бригадада меҳнат интизоми яхши ўрнатилмаган, колхозчиларнинг бир қисми кунлик нормаларини бажармайдилар.

Бундай аҳволлар райондаги Калинин номли, Каганович номли колхозларда ҳам содир бўлаётир. Калинин номли колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган, колхозчилар учун қулай шароит яратиб берилмаган. Колхоз раиси ўртоқ Аҳмедов ва партия ташкилоти секретари ўртоқ Холиқов ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш тўғрисида қуруқ ва'да беришдан нарига ўтмаётирлар.

Молотов номли колхозда ҳам партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қосим Ҳатамқулов ва район партия комитетининг агитация-пропаганда бўлими мудири (шу колхозга бириктилган вакил) ўртоқ Абдназим Икромов Пленум қарорини колхозчиларга тушунтириш ишига расмиятчилик блан қарадилар. Бу колхозда ҳам ғўза парваришни юзасидан белгиланган графиклар системали бажарилмай қолмоқда. Қир участкасида ўртоқ М. Нодиров бошлиқ бригадада 160 гектар ердаги ғўза сувдан қолдирилган, культивациянинг сифати ёмон, универсалларнинг иш унуми паст.

Райондаги 1 ва 2-нчи МТС партия ташкилотлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори юзасидан бажаряладиган муҳим вазифаларни адо этишда сускаштлик қилмоқдалар. Ҳосили машина блан териладиган участкалардаги ғўзани алоҳида парвариш қилишишга э'тибор берилмаётир. МТСнинг бош агрономлари Валиев, Борисов ўртоқлар пахтаси машина блан териладиган майдонларни белгилаб чиқиш ва ана шу ерларда тайёргарлик ишларини олиб боришга аҳамият бермаётирлар. 2-нчи МТСда пахта терим машиналарининг ремонти ҳам суст бормоқда. Эндигина 8 та машина ремонтдан чиқарилди. Бундай аҳвол 1-нчи МТСда ҳам рўй бермоқда.

Районда йиғим-теримга тайёргарлик ишлари э'тибордан четда қолаётир. 1-нчи МТС зонасида 7 та янги газ сушилкаси ва 38 та сушилка ремонт қилиниши керак. Навоий номли, Молотов номли, Жданов номли колхозларда сушилка ремонтига киришилгани йўқ. «Ленинобод» ва Каганович номли колхозларда янги сушилкалар қуриш суст бораётир. Район матлубот союзи правлениеси (раиси ўртоқ Сулаймонов) колхозларни қурилиш материаллари блан та'миллашга мас'улиятсизлик блан қарамоқда.

Оққўрғон район партия комитети КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини кенг пропаганда қилиш блан астойдил шуғулланиши, ҳамма майдонда мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятларни сафарбар этиши лозим.

Бўка районидаги «Ленинизм» колхозида ғўзалар ялпи чеканка қилинаётир. Колхознинг Х. Мақсудова бошлиқ бригадасида ғўзалар бу йил бултургидан 6 кун олдин чеканка қилинабошланди. **Суратда: Х. Мақсудова** бошлиқ бригада далаларида ғўза чеканкаси.

Р. Исаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Аҳмадотанинг аҳди

Эски Тошкент қишлоғидан шимол томонга қараб кетган катта тош йўлдан юриб Куркулдак кўпригидан ўтсангиз, баландликка чиқасиз. Шу ердан сизга Хрушчев номли колхознинг далалари яхшгина кўринади. Йўлнинг чап томонида катта майдонни олтин бошоқли бугдойворлар эгаллаган, қолган иккн томонда яшнаб ётган кўмкўк пахта майдонлари, колхоз боғлари ва колхозчи хўжаликларнинг данғиллама уйлари жойлашган. Шу йўлдан юриб борар экансиз, колхознинг пахта майдонларидаги бир текисда ўсган бўлиқ ғўзаларни кўриб баҳрингиз очилади. Бир пайкалдаги ғўзалар яхши, иккинчисига ўтсангиз ундан ҳам яхшн.

Мана, биз 6-нчи бригадага етиб келдик. Бу ерда ҳам ғўзалар бўлиқ. Ҳар тупида қанчадан-қанча кўсак, гул ва шоналар бор. Бригадир Ҳамиджонака бизни илғор звено бошлиғи Аҳмадота Бойчаев блан таништирди.

— Болаларим мен 70 ёшга кирдим,— дея сўз бошлади у,— ўз қадр-қимматимни фақат совет замонасида тондим. Аввллари бойларнинг эшигида ўшаларнинг хизматини қилиб, биримиз икки бўлмай юрар эдик. . .

Колхозга кирдик, турмушимиз яхшиланди, обрўйга эга бўлдик. Шу замонда — коллектив ичида кўпчилик бўлиб бирганикда ишлагинг ва яна ишлагинг келади. Чунки энди меҳнат қилиш катта шараф бўлиб қолди. Мана бу йил звено бошлиғи бўлдим. Колхозчи ёшлар блан бирга ишлаб уларга тажрибаларимни ўргатай ва пахтадан мўл ҳосил олишда ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшай дедим. Аввалги йиллари колхоз правлениеси «кексайиб қолдингиз» деб, сабзавот бригадасига бириктиб қўйган эди. Йил бошида звено а'золари блан маслаҳатлашиб 8 гектар қия ерни звенога олдик. Ғайрат блан астойдил меҳнат қилишимиз натижасида звеномиз ердаги ғўзалар бошқа ердаги ғўзаларга қараганда ҳам бўлиқроқ ўсаётир. Ғўза қатор ораларини трактор блан 6 марта чуқур культивация қилдирдик, 3 марта озиқлантириб сугордик. Ўсаётган ғўзаларни 4-нчи марта чопиқ қилаётирмиз. Бизнинг қия ерларимизни суғориш сувчидан катта маҳорат талаб қилади. Сувни ғўза қатор ораларига жилдиратиб қўймасангиз, кўзқулоқ бўлиб турмасангиз эгатни ўйиб кетади ва ғўзалар бир текисда қониб сув ичмайди. Ҳа, колхознинг ҳамма 760 гектар ердаги ғўзаларини яхши дединг из, тўғри. Колхозчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бу йил ҳамма майдонлардаги ғўзалар ҳам яхши авж олиб ўсаётир. Аммо ғўзаларнинг ҳозирги яхши аҳволи блан қаноатланиб, уни парвариш қилишни сусайтириш ярамайди. Ғўзалар бўлиқ, ичида бир туп ҳам ёввойи ўт йўқ, энди ғўза парваришни ончалик кучайтирмаса ҳам бўлади, деб ўйлаб, хотиржам бўлучи кишилар қаттиқ янглишадилар. Агар пахтадан ўзинг мўлжаллаган мўл ҳосил оламан десанг, ғўзага ишлов беришни ҳеч сусайтирма. Сумбулада, пахта очилгунча ғўзани яхши парваришқилиб борсанг кўсаклар тўлишади, гуллар кўсакка айланиб етилади, шоналар тезда гуллаб кўсак бўлади. Бизнинг звенодаги ғўзаларнинг ҳар тупида 5—6 тадан кўсак, кўп миқдорда гул ва шоналар бор. Биз ғўзаларни пахталар очилгунча яхшилаб парвариш қилиб борамиз. Шундай қилиб биз, ҳар гектардан мўлжалдаги 50 центнер пахта ҳосилини оламиз. Бизнинг аҳдимиз мана шу.

Вали ХОЛМАТОВ.

Октябрь райони.

100 центнер учун

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Хуррам Жайловов бошлиқ юқори ҳосилли звено а'золари фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан ҳар йили мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Звено а'золари ўтган йили 12,5 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларидан илҳомланган пахтакорлар бу йил ҳар гектардан 100 центнердан оқолтин етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир барча майдондаги ғўзалар 5 марта комплекс парваришдан чиқарилди. Яхши парвариш қилинган ғўзалар ялпи гуллаб, 7—10 тагача ҳосил шохлари чиқардилар. Бу эса звено а'золарига чеканкани барвақт бошлаш имкониятини берди.

Ҳ. ЗАИНИДДИНОВ.

Паркентда ғалла ўрим-йиғими кечикаётир

Паркент қирлари, адрлари, баланд тоғ ёнбағирлари пишиб етилган ғалла блан қопланган. Олтин бошоқлар шамолда чайқалиб бир-бирига урилади. Район ғаллакорларининг фидокорона меҳнат қилганликларини бўлиқ бошоқли ғалла далалари кўрсатиб турибди. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленуми қарорларидан илҳомланган колхозчилар бу йил 1200 гектардан ортиқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, экин майдонига айлантирдилар ва ана шу ерларда ҳам мўл ҳосил етиштирдилар.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қароридан зарур хулосалар чиқарган Паркент қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг а'золари социалистик мусобақани кучайтириб, ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар. Колхозда асосий куч ва э'тибор ғалла ҳосилини тез сур'ат блан ўриб-йиғиб олишга жалб этилди. Шу туфайли колхозда ғалла ўриш, янчиш ва давлатга дон топшириш намунали олиб борилаётир. Колхоз давлатга дон топшириш планини бажарди. Колхозчилар далада қолган ғалла ҳосилини яқин вақтлар ичида ўриб-йиғиб олиш учун курашмоқдалар. Энгельс номли колхоз а'золари ҳам ғалла ўрим-йиғимини шу кунинг талабига мувофиқ уюштирганлар.

Лекин райондаги ҳамма колхозларда ҳам ғалла ўрим-йиғими ана шундай ташкил этилган эмас. Кўпгина колхозларда ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлаш қониқарсиз бораётир. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ва колхоз правлениелари ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишдек муҳим ишга бўш ва юзаки раҳбарлик қилмоқдалар.

Район колхозларида ғалла ҳосилининг қариб 80 процентдан кўпроғи комбайнлар блан ўриб-йиғиб олиниши керак. МТС дирекцияси ғалла ўрим-йиғимига ўз вақтида пухта тайёргарлик кўрмади. Айниқса комбайнларнинг ремонти яхши ва сифатли ўтмади. Натижада ҳозир 5 та комбайн ўрим-йиғимга қатнашмай, МТС базасида бекор турипти. Далада ишлатилаётган комбайнларнинг бир қисми эса кўп вақт бузилиб, бирнеча кунлар бекор туриб қолмоқда.

МТС дирекцияси ғалла ўрим-йиғими бошланмасдан олдин махсус буйруқ чиқарди. Бу буйруққа асосан комбайнлар, комбайнчилар мавсум охиригача колхозларга бириктилди. Аммо ғалла ўрим-йиғими пала-партиш ташкил қилинганидан, иш бошланмасданоқ буйруқ бузилди. Бу буйруқни даставвал МТС директори ўртоқ Козмадиининг ўзи бузди. Ундан «намуна» олган МТС бош инженери Свинаров, бош агроном Нуриддинов ўртоқлар ҳам директор йўлига кириб олдилар.

— Бу қанақаси, — деди Калинин номли колхоз ҳосилот советининг раиси ўртоқ Холтой Тошев, — ҳар куни келаман, «бугун кел, эрта кел» деб саккиз кун овора қилдингизлар. Комбайн ремонтдан чиқиб тайёр бўлганда бошқа колхозга бериш ҳақида буйруқ чиқарибсиз, нима, биз ғалла ўрамизми- йўқми?

Буйруққа мувофиқ комбайнчи Намоз Қурбонов Калинин номли колхозга бириктилган. Аммо комбайн ремонтдан чиқарилгандан кейин «Коммуна» колхозига юборилиб, бўлиб қолипти. МТС бош агрономи ўртоқ Нуриддинов ўзбошимчалик қилиб комбайнни Калинин номли колхозга юбормаган. Натижада колхозда пишиб етилган ғалла узоқ вақт ўрилмай, бирнеча гектар ердаги арпанинг ҳосили қисман нобуд бўлган. Энгельс номли колхозга бириктилган комбайн Сталин номли колхозга, «Коммуна» колхозига бориши керак бўлган комбайн ҳам бошқа колхозга юборилган. Шундай қилиб, энг йирик ғаллакор «Коммуна» колхозига 4 та ўрнига 1 та комбайн юборилган.

Кўпгина колхозларда ишлаётган комбайнлар шу кунларда тез-тез бузилиб, бирнеча соат ва бирнеча кунлаб ишламай тўхтаб қолмоқда. Мирҳожиев сингари участка механиклари колхозларда камдан-кам бўладилар, кўп вақтларини МТС устахонасида ўтказадилар. Жойларда бўлганларида эса комбайнларнинг ишидан хабар олмайдилар. МТС дирекцияси комбайнчиларга техника ёрдамини ёмон уюштирган. Бош инженер Свинаров район марказидан, ўзининг қураётган иморати атрофидан бошқа ёққа бормайди. МТС директори кейинги кунларда колхозлар уёқда турсин, ҳатто тўққиз кунгача МТС да ҳам бўлмади.

Район ижроия комитети мажлисида тасдиқланган график ғалла ўрим-йиғими бошлангандан буён бирон марта ҳам бажарилгани йўқ. Комбайнлар блан трафикнинг ярми миқдорида ҳам ғалла ўрилаётгани йўқ. Киров номли колхозда хизмат қилаётган 12-нчи комбайн 7 иш кунида 40 гектар ердаги ғаллани ўрди. Охунбобоев номли колхозда ишлаётган комбайнчи А. Алиев 13 кун ишлаб 12 гектар ердаги ғаллани ўрди-ю, ишни тўхтатиб ўзбошимчалик блан Молотов номли колхозга кетиб қолди. У, Охунбобоев номли колхознинг 12 гектар ердаги арпасини чала ўриб, нобудгарчиликка йўл қўйди.

Районнинг ғалла ўрим-йиғимида орқада қолаётганлигининг асосий сабабларидан бири шуки, колхоз правлениелари ғалла ўрим-йиғимига етарли ишчи кучи ажратмаганлар. «Ғалланинг ҳаммасини комбайнлар ўриб беради» деб колхозлари ички ресурслардан фойдаланишга беparволик блан қаралмоқда. Шу кунларда 1300 киши ўроқ блан ғалла ўриши керак бўлгани ҳолда, ишлаётганларнинг миқдори 400 — 500 дан ошмайди. Ленин номли колхознинг раиси Эгамов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Эшматов ўртоқлар район партия комитетининг пленумида «Ғалланн қисқа вақт ичида ўриб-йиғиб оламиз, давлатга дон топширишни тезлатамиз» деб ва'да бердилар. Аммо улар, ишни ва'дага яраша ташкил этмадилар. Шу колхозда 130 ўрнига 50 киши ўроқ блан ғалла ўрмоқда. Колхозлари 2 комбайндан ҳам унумли фойдаланилмаётир. Комбайнларнинг иш унуми паст, ба'зи кунлари улар бузилиб бекор турадилар. Далада иссиқ овқат ташкил этилмаган, меҳнат интизоми бўш. Оммавий-сиёсий ишлар кенг кўламда олиб борилмаётир. Бундай аҳволни Молотов номли, Ленин номли ва бошқа колхозларда ҳам учратиш мумкин.

Паркент район партия комитети, район ижроия комитетининг раҳбарлари ўрим-йиғим мавсумий иш, у кутиб турмайди, — ўз вақтида ўриб-йиғиб олсанг ютасан, бўлмаса ютқазасан деб ҳар ғалги мажлисда гапириб насиҳат қиладилар, аммо бу гапларга уларнинг ўзлари амал қилмайдилар.

Ш. КУЗАНБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Хашак жамғаришга бепарво қарамоқдалар"

Газетамизнинг шу йил 3 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида хабар босилиб, унда Ўртасарой районидаги Охунбоев номли, Булганин номли ва Оржоникидзе номли колхозларда пичан ўрим-йиғимини муваффақиятли ўтказишга э'тибор берилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Ўртасарой район партия комитетининг 1-нчи МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Мадалиевнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола район ижроия комитетининг йиғилишида муҳокама қилинган ва газетада кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган.

МТС зонасидаги барча колхозларда емхашак тайёрлашни кучайтириш юзасидан зарур тадбирлар кўрилган. МТС дирекцияси пичан ўрим-йиғимини тезлатиш учун колхозларга қўшимча равишда 6 та трактор, 23 та ҳархил пичан ўриш машиналари юборди. Район колхозларида чорва молларининг қишлови учун етарли миқдорда ем-хашак базаси яратиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

ФЕЙЕРБАХНИНГ ИДЕАЛИЗМНИ ВА ДИННИ ТАНҚИД ҚИЛГАНЛИГИ

Фейербах материализмни идеализм ва динга қарши кураша қимоя қилди. У идеализм блан диннинг ғоявий якинлигини қат'иян исботлади. Фейербахнинг айтишича, идеализмнинг ҳам, динннг ҳам манбаи — тафаккурни ҳис қилинучи, конкрет борлиқдан ажратиб қўйишдадир. Дин сингари, идеализм ҳам инсон идеаларини мустақил субстанцияга айлантиради ва уни илоҳий бог ҳисоблаб, ундан қудратли негизни, бутун конкрет эмпирик дун'ёни келтириб чиқаради. Теологиядаги сингари, идеализмда ҳам табиат бутунлай тескари қилиб кўрсатилади.

Идеализм ва дин, — деб кўрсатади Фейербах, — бир-бирини ҳимоя қилучи ва қўллаб-қувватловчи шериклардир. Дин идеализмни оқласа, идеализм динни оқлайди. Теологиянинг худо борлигига ишонишн — идеализмни теологик асослашдир. Худди шунингдек идеализмнинг руҳ субстанциясини ёқловчи далиллари худо борлигини ёқлашдир, динни философик асослашдир. «Агар сиз идеализмни рад қилар экансиз, у вақтда худони ҳам рад қилинг-да! — деб талаб қилган эди Фейербах. — Чунки худо идеализмнинг манбаидир, холос» (Л. Фейербах, «Келажак философиянинг асослари», 29 бет).

Фейербахнинг гегельча системани танқид қилганлиги, шубҳасиз, Марксдан аввалги материалистик философия соҳасидаги энг ажойиб ҳодисалардан биридир. Фейербах далиллар блан кўрсатадики, Гегель индивидуал ақлни абсолют ва мустақил моҳиятга айлантириш учун уни фақат предметлардан ажратибгина қолмай, балки одамнинг ўзидан ҳам ажратиб қўяди, ҳолбуки ақл предметларнинг ин'икосидир ва одамсиз ақл бўлиши умуман мумкин эмас. Гегель «абсолют идеяси»нинг ўзининг бошқа формаси бўлган табиатга айланиш процесси, Фейербахнинг та'бирича, табиатни худо яратганлиги тўғрисидаги диний идеяни философия воситаси блан изоҳлашдир, холос. Шунинг учун у, Гегель философиясини теологиянинг «сўнгги бошпанаси» ва «таянчи» деб атади.

Фейербах Гегельнинг идеализмини фош қилди, лекин философик фикрнинг ривожланишида унинг тутган тарихий ўрнини тўғри та'рифлайолмади. Фейербах Гегельни танқид қилар экан, Гегелнинг диалектик методини унинг системасидан ажратмади. Энгельснинг та'кидлаб ўтишича, Фейербах «лойқа сув» — Гегельнинг реакцион системаси блан бирга «соғлом болани» — унинг прогрессив диалектикасини қўшиб сепиб юборди. Фейербах Гегель диалектикасининг «рационал магзи»дан танқидий равишда фойдаланабилмади.

Бу ҳол тасодифий эмас. Фейербах гегельча идеализмни, асосан, абстракт гуманизм ва антропологизм позициясидан туриб танқид қилди. К. Маркс ва Ф. Энгельс Гегель философиясини революцион пролетариат позициясидан туриб танқид қилишни бошлаб юбордилар ва унинг тарихий ролини илмий равишда та'рифладилар. Улар немис идеалистик философиясидан «онгли диалектикани табиат ва тарихни материалистик тушунишга татбиқ қилиб, ана шу диалектикани сақлаб қолдилар» (Маркс ва Энгельс. Асарлар, XIV том, 8 бет).

Фейербах антропологик принципга амал қилиб, дин сирларини одамнинг «табиати»дан, унинг абстракт эҳтиёжларидан ва психик кечинмаларидан қидиради. Диний онг воқи'ликдаги ҳодисалардан озиқланади, лекин деб исботлайди Фейербах, бу ҳодисаларнинг дин об'екти бўлишининг сабаби уларнинг одам психикасида тўғри акс этилганлиги эмас. Аксинча, бу ҳодисалар одам онгида қанчалик бузилса, одам ҳам уларни шунчалик афзал кўради. Фейербах та'кидлаб ўтадики, динда одамнинг кўзи ҳечнарсани кўрмаслик ва бутунлай кўр бўлиш учун, ақл эса ўйламаслик ва бутунлай тентак бўлиш учун хизмат қилади.

Дин фанга, маданиятга ва техникага зиддир. Фейербах, Гётенинг фикрига асосланиб, фанни эгаллаган одамнинг динга эҳтиёжи қолмайди, деб исботлайди. Шундан философ мана бундай асосий программ талабни қўяди: одам диндор қилинмасин, ма'рифатли бўлсин, ҳамма одамлар ўқиб билимли бўлсин. У, замонининг вазифаси ана шундан иборат деб ҳисоблади. Фейербахнинг атеизми, деб ёзган эди Ленин, ма'рифатчилар атеизмининг энг типик хилидир.

Фейербах диннн йўқотмоқ учун одамларнинг тасаввурларини ўзгартириш кифоя қилади деб содда ўйлади. Лекин, дейди Маркс шу масалага тўхталиб, фикр ўзгартирилгани блан мавжуд воқи'лик йўқ бўлмайди. Фейербах нуқул „одамнинг табиати тўғрисида гапирди, аммо у кўрсатган одам жуда абстрактдир.

Фейербах динга конкрет тарихий анализ бермади; бундан ташқари, у эски динни рад этиш, диний тасаввурларнинг психологик манба'ларини очиб ташлаш блан бир қаторда «янги дин» яратишга интилди; бу «янги дин»да реал одам марказий ўринда туриши мўлжалланар эди. Фейербахнинг XVIII асрдаги француз материалистларининг жанговар атеизмидан ажралиш йўлидаги бу қадамини унинг начиллик кўрсатмаганлигидангина англаб олиш мумкин. Улар ҳарқандай динни ҳам рад этганликлари учун Фейербах уларни дағал, қалтабин ва юзаки кишилар деб ноҳақ айблади.

Ёш Маркс Фейербахнинг одам тўғрисидаги антропологик тасаввурини танқид қилиб, мана бундай деб ёзган эди: «Аммо **одам** — дун'ёдан ташқарида парвоз қилиб юручи зот эмас. Одам — **одамлар дун'ёсида**, давлатда, жамиятда яшайди. Бу давлат, бу жамият динни, **ўзгаручан дун'ёқарашни** яратади, чунки буларнинг ўзи ҳам **ўзгаручан дун'ёдир»** (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, 1 том, 385 бет). Маркс Фейербахнинг ўша вақтдаги шароитда динни танқид қилганлиги катта ижобий аҳамиятга эга бўлганлигини та'кидлаб, янада олга боришга ва осмонни танқид қилишни ерни танқид қилишга, динни танқид қилишни ҳуқуқни танқид қилишга, теологияни танқид қилишни сиёсатни танқид қилишга айлантиришга чақирди. Бу — фақат динни, уни келтириб чиқарган сабабларни ва динни йўқотиш йўлларини тушунишдагина эмас, балки умуман ижтимоий ҳодисаларни тушунишда ҳам чинакам туб ўзгаришга тенглашадиган тамомила янги қараш эди.

ФЕЙЕРБАХ ЭТИКАСИ

Фейербахнинг одамни тарихий жиҳатдан тушунмаганлиги унинг ахлоқ тўғрисидаги та'лимотида айниқса равшан кўринди.

Немис моралистлари, айниқса Кант, дейди Фейербах, ахлоқни бахтга интилишдан ажратиб ташлашга, одамни ўлдирмасдан илгари одамдан ажратиб бўлмайдиган нарсаларнинг ҳаммасини ахлоқдан чиқариб ташлашга кўп уринди лар. Аскетик, мунофиқона диний ахлоққа Фейербах одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириш, бахтга эришиш йўлидаги интилишларига асосланадиган ахлоқни қарши қўйди. Фейербах бу моральни дағал ва обивательларча «эгоизм» блан аралаштириб юбормаслик керак, деб огоҳлантиради. Ҳақиқий ахлоққа кўра, дейди у, бахт бошқа кишиларнинг бахтидан ажралган бўлмайди, бошқа кишиларнинг бахтига боғланмаган ҳолда бўлмайди.

Аммо шахсий ва ижтимоий манфаатларни, бурч ва бахтни бир-бирига мослаштиришга қандай қилиб эришиш мумкин?

Фейербах ўзи яшаб турган замондаги жамият турли социал группаларга бўлинганлигини, парчаланганлигини кўрди. Марксдан та'сирланиб, у Англияда ишчилар синфининг турмуш шароити чидаб бўлмас даражада оғир эканлигини та'кидлайди. Лекин Фейербах ўз атрофини ўраб турган жамиятда ҳукм сурган социал тенгсизлики, ҳаётдаги ва ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, антагонизмни, курашни тушунтирабилмади.

Ўзининг антропологик принципига содиқ бўлиб қолган Фейербах буларнинг ҳаммасини қонуний ҳодиса деб ҳисоблашдан кўра кўпроқ одамнинг «қалбий табиати»дан «тасодифий узоқлашиш» деб ҳисоблаш керак деган фикрга келади. Шу асосда у одамнинг одамга муҳаббатига асосланадиган ахлоқ қонда бўлиб қолиши лозим, деган хулосага келган. Фейербах «муҳаббат ахлоқи» ёрдами блан турмушдаги ҳамма «балолар»дан қутилиш мумкин деб ўйлади.

Бинобарин, Фейербах этикаси тамомила абстрактдир. Унинг этикаси виддиятли мураккаб ижтимоий турмушдан бутунлай ажралган. Фейербах этикаси, деб ёзган эди Энгельс. «ҳамма замонлар учун, ҳамма халқлар учун, ҳамма боюкамбағаллар учун мослаб бичилган, шунинг учун ҳам уни ҳеч ерда ва ҳечқачон татбиқ қилиб бўлмайди» (Маркс ва Энгельс, Танланган асарлар, II том, 365 бет).

Гарчи феодал-диний ахлоққа қарши қўйилган Фейербах этикасида бирқадар ижобий мазмун бўлсада, лекин кўндириш ва ялпи муҳаббат тўғрисидаги тарғибот орқали ҳаётдаги янгилашга интилиши блан реакцион роль ўйнади. Турган гап, марксизм асосчилари Фейербахнинг этика тўғрисидаги назарларини қат'иян рад қилдилар. «Фейербах, — деб ёзган эди Энгельс, — ҳамавақт ва ҳамма ерда му'жиза яратучи муҳаббатни тарғиб қилади... Манфаатлари бир-бирига диаметрал қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятда шундай қилади. Шу равишда, унинг философиясидаги революцион характеринг сўнгги қолдиқлари ҳам йўққа чиқади ва бир-бирингизни севингиз, кимлигига қарамай оғиз-бурун ўпишаберингиз, деган яна ўша эски гап қолади, холос, қарабсизки, ҳамма дўстлашиб кетипти!» (ўша том, 364 бет).

Фейербах ўша вақтдаги немис чирик воқи'лигини танқид қилди, лекин ундан қутилишнинг реал йўлини кўрмади, у революцияга, курашга чақирмади, балки одамларни яраштиришга чақирди. Фейербахнинг бутун философияси, шунингдек унинг этикаси, аслда буржуа руҳи блан суғорилган.

Фейербах антропологияни универсал философик принципга айлантиришга интилди. Аммо, бу принцип табиатга нисбатан материалистик бўлган бўлса, тарихга нисбатан, у муқаррар идеализмга олиб келар эди. Шундай қилиб, Фейербах антропологик принципининг материализми жуда, чеканланган, у философиянинг асосий масаласини ҳал қилишдан нари ўтмайди. Фейербахнинг ўз материализмини жамиятга нисбатан татбиқ қилиш йўлидаги ҳамма уринишлари муқаррар суратда идеалистик спекуляцияларга ва метафизикага олиб келаверди. У тарихий ривожланишнинг ҳақиқий йўлини, иктимоий ҳаётнинг моддий, ишлабчиқариш негизини тушунаолмади. Бунинг устига, Фейербах ижтимоий муносабатларга диний-этик тўн кийдириб, кўпинча тарихий процессни бузиб кўрсатди ва синфлар кураши тарихи бўлган инсоният тарихини тўғри, материалистик тушунишни ниҳоятда қийинлаштирди.

Маркс ва Энгельс, деб та'кидлаган эди Ленин, Фейербахга та'на қилиб «у, материализмни охиригача давом этдирабилмаган, айрим материалистларнинг хаталарини кўриб, материализмдан юз ўгирган, у динни янгилаш ёки янги дин тўқиб чиқариш мақсадида динга қарши кураш олиб борган, социалогияда идеалистик иборалардан ўзини қутқазабилмаган ва материалист бўлаолмаган, дер эдилар» (В. И. Ленин, Асарлар, 14 том, 380 бет).

ФЕЙЕРБАХ ФИЛОСОФИК ТА'ЛИМОТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Фейербах XIX асрнинг 40-нчи йилларидаги революцион ситуация даврида радикал немис буржуазиясининг идеологи эди. Унинг тарихий роли шундаки, у феодал руҳонийлик системасига қарши кураша материалистик философиядан қурол сифатида фойдаланиб, жамиятни демократик асосда янгилаш тарафдори бўлиб чиқди. Фейербах отоқли буржуа материалисти эди: у буржуа илғор философиясининг Спиноза, Дидро, Гольбах сингари классиклари блан бир қаторда туради. У социал ва диний зулмга қарши, инсон идрокининг эркинлиги ва қудратли бўлиши йўлида мардона курашгани учун биз уни қадрлаймиз.

Фейербах, даставвал, ўз халқининг ма'навий ривожланишида жуда катта роль ўйнади; у Германияда асрлар бўйи ҳукм суриб келган диний-теологик ва идеалистик идеологияга қарши қат'ият блан кураш олиб борди. Фейербахнинг ўша замондаги немис воқи'лигининг даҳшатларини, Германия мулкдор синфларининг деспотизми ва қора кучларга сажда қилишини, уларнинг мунофиқлигини, мистикага берилганлигини ва жаҳолатпарастлигини танқид қилганлиги, унинг социал прогресс ва ма'рифат учун, материализм учун олиб борган кураши ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини қўшган эмас. Фейербах яратган материалистик та'лимот жаҳон маданиятига қўшилган катта ҳисса бўлди, немис халқи прогрессив кучларининг жаҳолатпарастликка ва реакцияга қарши кураша қудратли қурол бўлди. Германиянинг меҳнаткашлар оммаси демократия учун, прогресс учун, тинчлик учун кураша Фейербахни ўз одами ҳисоблаб, у блан қонуний равишда фахрланмоқдалар.

Фейербах Германиянинг ма'навий тарихида чуқур из қолдирди, шу блан бирга бошқа халқларнинг илғор вакиллари, шу жумладан Россиянинг энг яхши кишилари ҳам унинг материалистик философиясини мамнунлик блан ўргандилар. Улуг рус революционер-демократлари Белинский, Герцен, Добролюбов, Чернишевский социал ва ма'навий реакцияга қарши кураша немис халқининг шонли фарзанди Фейербахни ўзларининг иттифоқчиси деб билдилар. Чернишевский Фейербахни «... нарсалар тўғрисда тамомила тўғри тушунчага эга бўлган» мутафаккир деб атаган эди (Н. Г. Чернишевский, Танланган философик асарлар, III том, 713 бет).

Фейербах яратган материалистик философиянинг яна бир катта т

„Яшасин Вьетнамда тинчлик, бирлик, мустақиллик ва демократия!“

Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Миннинг халққа мурожаати

ПЕКИН, 25 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги қуйидагиларни билдиради: Жанвада Вьетнам, Лаос ва Камбоджада уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимлар имзоланганлиги муносабати блан Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин 1954 йил 22 июльда халққа, армияга ва Вьетнамнинг кадр ходимларига мактуб блан мурожаат қилди.

«Жанва кенгаши, — дейилади мурожаатда, — тамом бўлди. Биз дипломатия соҳасида катта ғалабага эришдик.

Мен ҳукумат номидан барча ватандошларга, жангчиларга ва кадр ходимларга чин кўнглимдан қуйидаги чақириқ блан мурожаат қиламан.

1. Бизнинг халқимиз, армиямиз, кадр ходимларимиз ва ҳукуматимиз ватанимизнинг тинчлиги, бирлиги, мустақиллиги ва демократияси йўлида маҳкам жипслашиб, машаққатларга бардош бериб ва жуда кўп қийинчиликларни енгиб, сўнгги 8 — 9 йил мобайнида қат'ий кураш олиб бордилар ва порлоқ ғалабаларга эришдилар. Шу муносабат блан мен ҳукумат номидан мамлакатнинг шимолдан тортиб жанубгача ҳамма ерларидаги барча ватандошларни, жангчиларни ва кадр ходимларни самимий қутлайман. Мен, ватан учун жонларини қаҳрамонларча фидо қилган жангчиларнинг ва барча ватанпарварларнинг хотираси олдида бош эгаман ва ярадор ҳамда касал жангчиларга самимий хайрихоҳлигимни изҳор қиламан.

Адолатли иш йўлидаги курашимиз дўст мамлакатларнинг халқлари томонидан, Франция халқи ва бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар томонидан қўллаб-қувватланганлиги туфайли ҳам биз буюк ғалабаларга эришдик.

Ана шу ғалабалар туфайли ва Берлин кенгашида СССР делегациясининг зўр ғайрати туфайли Жанва кенгашида бизнинг ҳукуматимиз блан Франция ҳукумати ўртасида музокаралар бошланди. Делегациямиз ҳаракати ва СССР ҳамда Хитой Халқ Республикаси делегацияларининг ёрдами Жанва кенгашида катта ғалаба қозонишимизга имкон берди. Франция ҳукумати мамлакатимизнинг мустақиллигини, суверенитетини, бирлигини ва территориал бутунлигини таниди, ўз-ининг қуролли кучларини юртимиздан олиб чиқиб кетишга рози бўлди ва ҳоказо.

Биз бундан буён ҳам тинчликни мустаҳкамлаш, бутун мамлакатда бирликни амалга ошириш, мустақиллик ва демократияга эришиш учун бутун кучимизни сафарбар қилишимиз керак.

2. Ҳар икки томон қуролли кучларининг уруш ҳаракатларини тўхтатиши тинчликни амалга ошириш учун биринчи қадам бўлиши керак.

Урушни тўхтатиш учун ҳар икки томон қуролли кучларини иккита алоҳида зонада қайтадан гуруҳлаш зарур, я'ни ҳар икки томоннинг қуролли кучлари эгаллаган районларни ўзгартириш зарур.

Ҳарбий демаркация линиясининг ўтказилиши яраш битимини амалга ошириш учун, тинчликни тиклаш учун ва умумий сайлов ўтказиш йўли блан миллий бирликка эришишдаги прогресс учун муваққат ва ўткинчи чорадир. Демаркация линияси сра ҳам сиёсий ёки территориал чегарани кўрсатмайди.

Бизнинг қуролли кучларимиз яраш битими даврида Шимолий Вьетнамда, Француз иттифоқининг қуролли кучлари эса Жанубий Вьетнамда тўпланиши керак. Бу, зоналар олмошинди демакдир: французлар томонидан оккупация қилинган бирқанча районлар озод қилинган районларга айлантирилади; озод қилинган бирқанча районларимизда эса Француз қўшинлари Францияга қайтиб кетганларига қадар жойлаштирилади.

Бу, зарур тадбирдир. Аммо, Шимолий, Марказий ва Жанубий Вьетнам — территориямизнинг ажралмас қисмидир ва бизнинг мамлакатимиз, шубҳасиз, бирлаштирилади, бутун мамлакатдаги ватандошларимиз эса, шубҳасиз, озод бўладилар.

Жанубдаги ватандошларимиз ватанпарварлик урушини биринчи бўлиб бошлаб бердилар ва юксак онглилик намуналарини кўрсатдилар. Мен уларнинг бутун мамлакат манфаатларини маҳаллий манфаатлардан устун кўришларига, доимий манфаатларни ҳозирги манфаатлардан устун деб билишларига ва халқимизнинг бошқа табақалари блан биргаликда бутун мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш, бирликни амалга ошириш ва мустақиллик ҳамда демократияга эришиш учун курашда бутун кучларини сафарбар қилишларига ишонаман. Вьетнам меҳнаткашлар партияси (Лао-донг), ҳукумат ва шахсан мен жанубдаги ватандошларимизнинг ҳаракатларини доим кузатиб бормоқдамиз ва уларнинг муваффақият қозонишларига ишонамиз.

3. Тинчликни мустаҳкамлаш учун, бирликни амалга ошириш, мустақиллик ва демократияга эришиш учун кураш ҳам узоқ давом этадиган ва оғир курашдир. Ғалабага эришмоқ учун мамлакатнинг шимолдан тортиб жанубгача ҳамма қисмидаги бутун халқи, барча жангчилари ва кадр ходимлари янада кўпроқ жипслашишлари керак ва ҳамжиҳат бўлиб фикр юритишлари ва биргаликда ҳаракат қилишлари лозим.

Биз Франция ҳукумати блан биргаликда ўзимиз имзолаган битим шартларини ҳалол бажаришга қат'ий қарор берганмиз. Шу блан бирга, биз Франция ҳукуматини биз блан биргаликда ўзи имзолаган битим шартларига ҳалол риоя қилишга чақирамиз.

Биз, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида зўр ғайрат блан ишлашимиз ва тинчлик душманларининг кирдикорларига қарши ҳуш'ёр бўлишимиз керак. Биз, миллий бирликни амалга ошириш учун мамлакатнинг ҳамма қисмида умумий эркин сайлов ўтказиш йўлидаги курашда бутун кучимизни сафарбар қилишимиз керак. Биз, ватанимизнинг тўла мустақиллигига эришиш учун барча соҳаларда ўз кучларимизни тиклаш, вужудга келтириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида зўр ғайрат блан ишлашимиз керак.

Биз, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш ва чин демократияни амалга ошириш учун социал реформаларни ўтказишга интилишимиз лозим.

Биз бундан буён ҳам Лаос ва Камбоджа халқлари блан қардошлик алоқаларимизни мустаҳкамлаймиз.

Биз, Вьетнамнинг Совет Иттифоқи блан, Хитой Халқ Республикаси блан ва бошқа дўст мамлакатлар блан буюк дўстлигини янада мустаҳкамлаймиз. Биз, тинчликни сақлаш манфаатларини кўзлаб французлар халқи блан, Осиё ва бутун дун'ё халқлари блан бирдамлигимизни мустаҳкамлаймиз.

4. Мен бутун халқни, барча жангчиларни ва кадр ходимларни сиёсий йўлни ва партия ҳамда ҳукуматнинг сиёсатини тўғри амалга оширишга, тинчликни мустаҳкамлаш, бутун мамлакатда бирликни амалга ошириш, мустақиллик ва демократияга эришиш учун кураш олиб боришга астойдил чақираман.

Мен, ижтимоий аҳволи, диний э'тиқоди, сиёсий қарашлари қандай бўлишига қарамасдан, ўтмишда қандай партияга тарафдор бўлганликларига қарамасдан, ўз ватанини астойдил севадиган барча кишиларга чин кўнглимдан мурожаат қиламан ва уларни ўзаро самимий ҳамкорлик қилишга ва миллат ҳамда ватан манфаати йўлида ишлашга, тинчликни амалга ошириш учун, севикли Вьетнамимизнинг бирлиги, мустақиллиги ва демократиясини амалга ошириш учун кураш олиб боришга чақираман.

Миллий бирлик барпо қилинган ва бутун халқимиз монолитдек жипслашган тақдирда биз шубҳасиз, ғалаба қозонамиз.

Яшасин Вьетнамда тинчлик, бирлик, мустақиллик ва демократия!».

Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротеволь Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ҳузурида бўлди

БЕРЛИН, 26 июль. (ТАСС). АДН агентлиги Германия Демократик Республикасининг бош министри ҳузурида ги матбуот бўлимининг ахборотини ма'лум қилди. Ахборотда бундай дейилади: 1954 йил 25 июльда Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротеволь Берлинда бўлган Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ҳузурида бўлди.

Ҳар икки бош министр учрашиш вақтида суҳбат қилдилар. Ана шу суҳбат давомида айниқса ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

АҚШ томонидан Ғарбий Германия ва Японияннинг ремилитаризация қилинаётганлиги Германия ва Японияда мудофаа кучларини тузишдан иборат бўлмай, балки Европа ҳамда Осиёда тинчликка хавф туғдираётир ва Ғарбий Германия ҳамда Японияннинг ремилитаризация қилинишига қарши кураш барча тинчликсевар халқларнинг умумий вазифасидир, деган фикрга келинди. Шу сабабдан ҳар икки ҳукумат Совет Иттифоқининг Европада хавфсизликнинг чинакам системасини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини табриклайди ва Совет ҳукуматининг 1954 йил 24 июльдаги нотасини ма'қуллайди.

Ҳар икки томон Осиёда тинчлик ғарантиялари масаласи юзасидан фикр олишди. Бош министр Отто Гротеволь Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисида Жанва кенгашида битим тузилганлигидан Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг қаноат ҳосил қилганлигини билдирди.

Ҳар икки томон немис ва хитой халқлари ўртасида маданий алоқаларни бундан кейин ҳам кучайтиришни, Германия Демократик Республикаси блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида савдо алоқаларини кенгайтиришни истаганлигини билдирди.

Суҳбат давомида бош министр Отто Гротеволь кўрсатиб ўтдики, Ғарбий Германиядаги кенг иқтисодий доиралар Хитой Халқ Республикаси блан савдо муносабатларини тиклашдан манфаатдордирлар; ана шу иқтисодий доиралар Ғарбий Германия федерал республикасининг Америка монополиячиларининг манфаатларини кўзлаб бирёқлама иқтисодий алоқа ўрнатганлигини қораламоқдалар. Бош министр Отто Гротеволь, Хитой Халқ Республикаси немис халқининг манфаатларини кўзлаб, Хитой Халқ Республикаси блан савдо-сотиқни кенгайтириш йўлидаги ана шу интилишларни қўллаб-қувватласа экан, деган истагини билдирди. Бош министр Чжоу Энь-лай бунга жавобан айтдики, Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати ҳуқуқий тенглик ва ўзаро манфаат асосида ҳарқандай давлат блан савдо муносабатларида бўлишни истайди. Бош министр Отто Гротеволь-нинг Ғарбий Германиядаги иқтисодий доираларнинг анашу интилиши ҳақидаги баёноти Хитой Халқ Республикаси ҳукуматини шубҳасиз ғоят қизиқтиради.

Ҳар икки министр хитой ва немис ҳукуматлари вакилларининг учрашуви ва бу учрашувда немис аҳолисининг ишторки ҳар икки халқ ўртасидаги самимий дўстона муносабатларни янада кучайтирганлиги ва кенгайтирганлигидан қаноат ҳосил қилганликларини билдирдилар.

Кхмер (Камбоджа) қаршилик кўрсатиш ҳукуматининг бош министри Сон Нгок Миньнинг халққа мурожаати

ПЕКИН, 26 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги Вьетнам информация агентлигининг хабарига таянib қуйидагиларни билдиради: Кхмер (Камбоджа)да урушни тўхтатиш тўғрисидаги битим имзоланганлиги муносабати блан Кхмер қаршилик кўрсатиш ҳукуматининг бош министри Сон Нгок Минь Кхмер халқига ва армиясига мактуб блан мурожаат қилди.

Мактубда бундай дейилади:

Барча ватандошларга, жангчиларга ва кадр ходимларга.

Бизнинг армиямиз ва халқимиз ўтган 8 йил мобайнида Вьетнам ва Патет-Лао халқлари блан биргаликда ҳаҳрамонона курашди. Франция ва бутун дун'ё халқлари бизни самимий қўллаб-қувватладилар. Биз ватанпарварлик курашимиз натижасида кўп муваффақиятларга эришдик. Франция ҳукумати Кхмер, Вьетнам ва Патет-Лаода тинчликни тиклаш мақсадида Жанва кенгашида музокара олиб боришга рози бўлди.

1954 йил 21 июльда Жанва кенгашида Кхмер, Вьетнам ва Патет-Лаода уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Жанва кенгашида қатнашган мамлакатлар Кхмер, Вьетнам ва Патет-Лаонинг миллий мустақиллигини ҳамда суверенитетини танидилар, шунингдек белгиланган муддат мобайнида четэл қўшиларини олиб чиқиб кетишга рози бўлдилар. Чет давлатларнинг мамлакатимиз территориясида ҳарбий базалар қуриши тақиқланди. 1955 йилда мамлакатнинг ҳамма қисмида умумий эркин сайловлар ўтказилади. Кхмернинг барча граждан-лари эркинликдан ва демократик ҳуқуқлардан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

80 йил давом этган Франция мустамлакачилик ҳукмронлиги даврида бизнинг мамлакатимиз мустақилликдан, халқ эса эркинлик ва демократик ҳуқуқлардан маҳрум этилган эди. Ўтган 8 йил мобайнида армиямиз ва халқимиз томонидан олиб борилган қаҳрамонона кураш натижасида ҳозирги вақтда Жанва кенгашида қатнашган мамлакатлар юқорида айтилган моддалар юзасидан ва айниқса четэл қўшинларининг мамлакатимиздан олиб чиқиб кетилишини ҳамда Кхмерда ҳеч қайси мамлакатнинг ҳарбий базалар қуришига рухсат бермасликни кўзда тутган моддалар юзасидан битим тузаолдилар. Бу эса бутун армиямизнинг ва халқимизнинг катта муваффақиятидир. Бу, бутун мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш ва мустақиллик ҳамда демократиянинг амалга ошириш учун, Кхмер халқининг тарихида янги давр бошлаш учун курашда халқимиз учун муҳим шартдир.

Бутун армиямиз ва халқимиз бу муваффақиятнинг катта аҳамиятга эга эканлигини аниқ билиб олиши керак. Бизнинг муваффақиятимиз икки қўшнимизнинг — Вьетнам ва Патет-Лаонинг ҳам муваффақияти, шунингдек бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқларнинг ҳам муваффақиятидир.

Мен Кхмернинг қаршилик кўрсатиш ҳукумати номидан бутун халқни, кадр ходимларни ва жангчиларни қуйидаги ишларни бажаришга астойдил чақираман:

1) Кхмерда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида Жанва кенгашида имзоланган битимни сўзсиз бажариш керак. Шу блан бирга, жанговарлик руҳимизни мустаҳкамлашимиз ва курашда ҳуш'ёрликни оширишимиз керак, муҳолиф томондан битимнинг пухта бажарилишини талаб қилиш лозим.

2) Тинчликни мустаҳкамлаш, ватанимизнинг мустақиллиги ва бирлигини амалга ошириш мақсадида демократик реформаларни ўтказиш учун, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, барча соҳаларда кучларимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун кураш олиб бориш керак.

3) Урушқоқ элементларга ва тинчлик душманларига қарши ҳуш'ёрликни тўхтовсиз ошириш лозим.

4) Вьетнам халқи блан, Патет-Лао халқи блан, Франция халқи блан ва бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар блан бирдамлигимизни янада мустаҳкамлаш керак.

Азиз ватандошлар, жангчидар ва кадр ходимлар!

Биз буюк ғалабага эришдик, аммо бу ҳали биринчи қадамгинадир. Биз, тинчликни мустаҳкамлаш, ватанимизнинг мустақиллиги, демократияси ва бирлигини амалга ошириш йўлида сабот блан узоқ вақт кураш олиб боришимиз ва бутун дун'ёда тинчликни ҳамда демократияни сақлаш ишига ҳисса қўшишимиз керак.

Бутун халқимиз бирдам ва ҳамжиҳат бўлган ҳолда, шубҳасиз ғалаба қозонамиз.

Яшасин Кхмернинг тинчлиги, мустақиллиги, демократияси ва бирлиги!

Совет ҳукуматининг нотаси тўғрисида Отто Гротевольнинг баёноти

БЕРЛИН, 26 июль. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротеволь Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг раиси ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лайнинг Германия Демократик Республикасига келганлиги муносабати блан Хитой Халқ Республикасининг ГДР-даги элчихонаси томонидан кеча ўтказилган қабул маросимида нутқ сўзлади. Отто Гротеволь Совет ҳукуматининг Европада коллектив хавфсизлик масаласи юзасидан Франция, Буюк Британия ва АҚШ ҳукуматларига юборган нотолари тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун каттта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Отто Гротеволь Совет ҳукумати нотасининг мазмунини баён қилиб ва Совет ҳукуматининг тинчликка қаратилган ташаббуси бутун тинчликсевар инсонинт олдида янги истиқболлар очиб беришини кўрсатиб, бундай деди:

Совет ҳукумати экономика соҳасида ҳамкорлик ўрнатишни ёқлаб, Европа халқлари ўртасида битим тузиш йўлида ҳам янги, жиддий қадам қўйди. Нотада шартномада қатнашучи барча давлатларнинг давлатлар ўртасида савдо-сотиқ ва бошқа иқтисодий муносабатларни кучайтириш чораларини кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари кўзда тутилади. Бу эса халқларнинг ҳаётий манфаатларига муносибдир, тинчликни ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Шу йил 21 июльда Жанвада Ҳинди-Хитой масаласи юзасидан имзоланган битим шу нарсани яққол исбот этадики, битим тузиш йўли Осиёдагина эмас, балки Европада ҳам самарали бўлаолади.

Шу сабабдан Германия Демократик Республикаси Совет ҳукуматининг таклифларини чин қалбдан табриклайди. Бу таклифлар бутун Европада битим тузиш учун эркин йўл очиб беради.

Хавфсизлик масаласи юзасидан Европа битимининг тузилиши умумгерман битимини тузиш йўлидаги ғовларни йўқотган бўлар эди, Германияни қайтадан бирлаштириш йўлини очиб берган бўлар эди ва барча оккупациячи қўшинларни Германиядан олиб чиқиб кетиш, шунингдек яқин келгусида Германия блан сулҳ шартномаси тузиш имконини берган бўлар эди. Шу сабабдан, Германиянинг фаровонлигини ва бахтли истиқболини та'минлаши лозим бўлган сиёсат Совет Иттифоқининг тинчликка қаратилган ана шу буюк ташаббуси блан жуда маҳкам боғланиши керак. Биз бу ерда хитойли ва вьетнамли дўстларимиз блан учрашдик. Мен бу ерда шуни айтаманки, Германия Демократик Республикаси Совет ҳукуматининг таклифларига мувофиқ, Европада колликтив хавфсизлик система сини вужудга келтириш масаласи юзасидан фикр олишиш мақсадида кенгашда қатнашишга ва бу кенгашда немис халқининг нуқтаи назарини баён қилиб беришга ва умумевропа хавфсизлиги тўғрисидаги шартномага қўшилишга тайёрдир.

Биз, воқиаларнинг Совет ҳукумати нотасида айтилган тарзда шундай ривожланиши олға қараб қўйилган қадам бўлажагига ва Германияни тинчликсевар, мустақил ва демократик давлат сифатида бирлаштириш асосида Германия масаласини ҳал этиш учун қулай шароит вужудга келтиражагига чуқур ишонамиз.

Германиянинг нейтраллаштирилиши Европанинг марказида уруш ўчоғининг пайдо бўлишига йўл қўймаган бўлар эди. Шу блан Германиянинг миллат сифатида яшашига таҳдид қилаётган хавфни ва Европага таҳдид қиладиган хавфни, я'ни Ғарбий Германия агрессив армиясининг вужудга келтирилиши натижасида юз берадиган хавфни йўқотиш, Ғарбий Германияни давлатларнинг биртомонлама ҳарбий гуруҳига қўшишга ҳалақит бериш ва бутун Европада тинчликни та'минлаш ишига ҳалол ва ошкора хисса қўшиш мумкин бўлар эди.

Совет Иттифоқининг бу катта ташаббуси Германия Демократик Республикасига ва бутун Германиядаги тинчликсевар немисларга тинчликнинг буюк истиқболини ва ватанимиз бахтли келажагининг буюк перспективасини очиб беради.

ПАТЕТ-ЛАО (ЛАОС)ДА УРУШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА БУЙРУҚ

ШАНХАЙ, 26 июль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги қуйидагиларни билдиради: Патет-Лао қаршилик кўрсатиш ҳукумати миллий мудофаа министри ва Патет-Лаодаги вьетнам халқ кўнгиллилари ҳарбий қўмондонлиги биргаликда буйруқ чиқарди. Буйруқда бундай дейилади:

Патет-Лао мунтазам армиясининг барча қадр ходимларига ва жангчиларига, маҳаллий армияларига, бутун мамлакатдаги лашкарлар ва партизанларга.

Вьетнам халқ кўнгилли армиясининг барча жангчиларига.

1954 йил 21 июльда муваффақиятли суратда тамом бўлган Жанва кенгашида Патет-Лаода, шунингдек Вьетнам ва Кхмерда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим имзоланди. Жанва кенгашида қатнашган мамлакатлар Патет-Лаонинг миллий суверенитетини ва мустақиллигини танидилар. Бу, Патет-Лао халқининг, халқ-озодлик армиясининг ва Вьетнам халқ кўнгиллиларининг тинчлик, мустақиллик, бирлик ҳамда демократия учун олиб борган курашида эришган буюк ғалабасидир. Бу, Ҳинди-Хитойдаги бошқа халқларнинг ва бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқларнинг ҳам ғалабасидир.

Патет-Лао қаршилик кўрсатиш ҳукуматининг миллий мудофаа министри ва Патет-Лаодаги Вьетнам халқ кўнгиллилари ҳарбий қўмондонлиги буюрадилар:

1. Патет-Лао мунтазам армиясининг, маҳаллий армияларнинг барча кадр ходимлари ва жангчилари, лашкарлар ва партизанлар, шунингдек бутун мамлакатдаги Вьетнам халқ кўнгиллилари Патет-Лаода уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида Жанва кенгашида имзоланган битим шартларини пухта бажарсинлар; 6 августда маҳаллий вақт блан эрталаб соат 7 дан бошлаб фронтнинг барча участкаларида ўт очиш тўхтатилсин.

2. Барча ҳарбий қисмлар ўт очиш тўхтатилганидан кейин ўз позицияларида қолсинлар ва Патет-Лао қаршилик кўрсатиш ҳукумати миллий мудофаа министрлигидан ҳамда Вьетнам халқ кўнгиллилари ҳарбий қўмондонлигидан инструкциялар олинишини кутиб турсинлар.

ХАЙНАНЬ ОРОЛИ РАЙОНИДА ИНГЛИЗ САМОЛЁТИ БЛАН БЎЛГАН МОЖАРОГА ДОИР

Хитой ҳукуматининг Англиянинг ХХРдаги ишлар вакилига нотаси

ПЕКИН, 26 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради:

Англиянинг ишлар вакили Хэмфри Тревельян жанаблари инглиз транспорт самолёти блан бўлган можаро ҳақида 24 июльда нота топширган эди. Марказий халқ ҳукумати ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Хань-фу бугун Хэмфри Тревельян жанаблариг жавоб нотаси юборди. Чжан Хань-фунинг жавоб нотасида бундай дейилади:

Инглиз транспорт самолёти блан бўлган можаро ҳақида мен текшириш натижасида аниқланган вазият юзасидан қуйидаги изоҳни беришга Марказий халқ ҳукумати томонидан вакил қилинганман. Бу изоҳни Англия ҳукуматига топширишингизни сўраймиз.

Дунёнинг бошқа халқлари каби хитой халқи ҳам яқинда бўлиб ўтган Жанва кенгаши туфайли ва Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисида битим тузилганлиги туфайли халқаро вазиятдаги кескинликнинг юмшашидан қувонмоқда.

Аммо, шу блан бирга, Тайвандаги чанкайшичи қўйқаларнинг самолётлари босқинчиларча қилаётган ҳаракатлари донрасини Хитойнинг қиргоқ районлари ва ороллaригача, шунингдек Хайнань оролигача кенгайтирдилар. Улар самолётларда Хитойга махфий агентларни ташламоқдалар ва турли мамлакатларнинг савдо-сотиқ қилиш учун Хитойга бораётган савдо кемаларини босқинчиларча ушлаб қолмоқдалар ва таламоқдалар. Улар бу блан Осиёда кескин вазият вужудга келтиришга жон-жаҳдлари блан уринмоқдалар.

Шу сабабдан Хитойнинг қиргоқ районлари ва ороллари устида кўпинча ҳаво жанглари бўлиб туради.

Ҳарбий ма'мурларимизнинг Хайнань оролидан олган ма'лумотига қараганда, Хитой Халқ Республикасининг патрульлик қилучи самолётлари 23 июль эрта блан Хайнань оролидаги Юйлин порти устида соқчилик хизматини бажарган вақтларида бу районда чанкайшичилар шайкасининг самолётига дуч келганлар ва икки ўртада жанг бошланиб кеттан.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумата бу хабарни олиши блан турли воситалар орқали текшириш ўтказди. Ана шу текшириш натижасида мазкур самолётнинг ҳақиқатан ҳам инглиз компаниясига қарашли транспорт самолёти эканлиги, патрульлик қилучи самолётларимиз уни Юйлин портидаги ҳарбий базамизга ҳужум қилиш ҳақида топшириқ олган гоминданчи шайканинг самолётларидан бири деб янглиш ҳисоблаганлиги аниқланди.

Ана шу қайғули можаро мутлақо тасодифий суратда юз берди, албатта.

Хитой Халқ Республикаси Марказий халқ ҳукумати инглиз транспорт самолёти блан бўлган ана шу тасодифий ва қайғули можаро юзасидан ўз таассуфини билдиради ва шу муносабат блан тегишли чораларни кўради. ХХР Марказий халқ ҳукумати ана шу можаро вақтида ярадор ва ҳалок бўлганларга ва уларнинг қариндошларига ҳайрихоҳлик, қайғу ва та'зия билдиради; ХХР Марказий халқ ҳукумати кишиларнинг ҳалок бўлганлиги ва мол-мулкка зарар етказилганлиги муносабати блан тегишли нафақа ва компенсацияни тўлаш масаласини қараб чиқишга тайёрдир.

МИСР БОШ МИНИСТРИ НОСИРНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 25 июль. (ТАСС). Миср бош министри Жамол Носир кеча четэл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди. Матбуот конференциясида ба'зи министрлар, шу жумладан миллий раҳбарлик министри майор Салоҳ Салим ҳамда ёллар ва алоқа министри Жамол Салим ҳам қатнашдилар.

Носир ўз баёнотида Англия оккупациясидан озод бўлиш Мисрнинг энг муҳим вазифаси эканлигини уқтириб ўтди. Миср, деди Носир, «барча мамлакатлар блан тотув яшашни истайди ва ҳамкорликни чинакам истайдиган ҳамма блан ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Биз мамлакатимиз устидан четэл контрольлигининг ҳарқандай шаклига қарши, инглиз империализмининг контрольлигига ҳам, ҳарқандай бошқа мамлакатнинг контрольлигига ҳам қарши курашамиз, чунки оккупация ва мустамлакачилик мавжуд экан, озодликнинг бўлиши мумкин эмас».

Носир Ҳинди-Хитойдаги аҳвол тўғрисида мухбирлардан бирининг берган саволига жавобан бундай деди: «Биз Ҳинди-Хитойдаги кураши халқнинг мустақиллик учун олиб бораётган кураши деб ҳисоблаймиз». Миллий раҳбарлик министри Салоҳ Салим Носирнинг баёнотига қўшимча қилиб, «Миср озодлик ва мустақиллик учун курашаётган барча халқларга хайрихоҳлик блан қарайди» деди.

Салим Ўрта Шарқ «мудофааси планлари» деб аталмиш планларга Мисрнинг муносабати тўғрисидаги саволга бундай деб жавоб берди: «Биз ҳеҳқандай мудофаа планларига қўшилмоқчи эмасмиз, чунки биз даставвал мустақилликка эришмоғимиз керак ва шундан кейинги-на уни қандай қилиб ҳимоя қилиш тўғрисида ўйлаймиз».

Бош министр Носир АҚШ нинг Ўрта-Шарқда юргизаётган сиёсати тўғрисидаги саволга жавобан бундай деди: «АҚШ Мисрдаги ва бошқа мамлакатлардаги мустамлакачиларга ёрдам бермоқда ва шу блан араб мамлакатларининг халқлари ўртасида ўз обрўсини йўқотмоқда».

Совет студент ва ёшлар газеталари редакторлари группасининг АҚШга бориши тўғрисида

Матбуотда хабар қилинишича, 1953 йилда ва 1954 йилда Америка студент газеталари редакторларининг икки группаси Совет Иттифоқига келиб кетган эди. Америкали редакторлар СССР территориясида саёҳат қилиб, кўпгина ўқув юртларини ва маданий муассасаларни бориб кўрдилар, шунингдек совет ёшларининг ўқиши ва турмуши блан танишдилар. Иккала группа ҳам АҚШ студентлари ва ёшлари делегацияларини СССРга ҳамда СССР студентлари ва ёшлар делегацияларининг АҚШга бориб туришлари тўғрисидаги тилакларини изҳор қилган эдилар.

Шу муносабат блан Совет Иттифоқининг студент ва ёшлар газеталари редакторлари группаси Америка ёшларининг ҳаёти блан, уларнинг ўқиш ва турмуш шароити блан танишиш мақсадида шу йил август ойида АҚШга бориш тилагини билдирди.

Ҳозирги вақтда редакторлар группаси АҚШга кириш учун рухсатнома берилишини кутиб турибди. Рухсатномалар АҚШнинг Москвадаги Элчихонаси орқали сўралди.

Ослода ёшларнинг халқаро слёти тамом бўлди

ОСЛО, 26 июль. (ТАСС). Кеча Ослода ёшларнинг халқаро слётида сўнгги учрашувлар ўтказилди. Бу учрашувларда совет ёшларининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Слёт ташкилот комитетининг раиси Даг Халворсен совет делегациясини табриклаб, совет делегациясининг Ослога келиши Норвегия ва совет ёшлари ўртасидаги алоқаларни келгусида янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. Совет делегациясининг а'золари кечқурун слёт қатнашчилари ва Осло аҳолиси учун яна бир марта концерт қўйиб бердилар. Концерт ғоят муваффақиятли ўтди. Ёшларнинг Ослодаги халқаро слёти ўз ишини тамомлади.

Ли Син Маннинг АҚШ га келиши

НЬЮ-ЙОРК, 26 июль. (ТАСС). Жанубий Корея президенти Ли Син Ман АҚШ нинг расмий вакиллари блан музокаралар олиб бориш учун бугун Вашингтонга келди. Юнайтед Пресс агентлигининг хабар беришича, Ли Син Ман аэродромда сўзлаган нутқида Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларининг тўхталишини «бахтсиз воқиа» деб атаган.

ОБЛАСТЬ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАРИНИНГ СПАРТАКИАДАСИ

Чирчиқдаги «Химик» стадионида 19 июльда бошланган Тошкент область физкультурачиларининг V спартакиадаси тугади.

Футбол майдонида, гимнастика залида, рингда, волейбол майдончаларида қизғин курашлар бўлди.

Оғир атлётика мусобақалари муваффақиятли ўтди. Мусобақа натижасида 30 та область рекорди қўйилди. Командалар ўртасида биринчи ўринни Чирчиқ шаҳар командаси олди.

Зоналар бўйича ўтказилган волейбол мусобақаларида ғолиб чиққан 6 эркаклар командаси область чемпиони номини олиш учун курашдилар. Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларининг хотин-қиз командалари ўртасидаги учрашув жуда қизғин ўтди ва бу учрашувда 3:2 ҳисоби блан ғалаба қозонган Чирчиқ волейболчилари область чемпиони бўлдилар.

Боскетбол бўйича мусобақада Чирчиқ ва Янгийўл командалари финалга чиқди. Бу командалар ўртасидаги учрашувда 46:41 ҳисоби блан Чирчиқ командаси ғолиб чиқди.

Футбол мусобақаларида Чирчиқ командаси биринчи ўринни, Калинин район футболчилари иккинчи ўринни, Бекобод командаси учинчи ўринни олди.

Область енгил атлётикачилари ҳам анчагина муваффақиятларни қўлга киритдилар. Чирчиқ вакили ўрток Михайлов 180 см. баландликка сакради, 5000 метрга югуришда 14 киши қатнашди. Бу мусобақада ҳам Чирчиқ вакили Иванов ғолиб чиқди. Хотин-қизлар ўртасида баландликка сакраш бўйича ўтказилган мусобақада Таранец ва Сосина ўртоқлар биринчи ўринни олдилар. Михайлов узунликка сакраш бўйича ва уч ҳатлаб сакраш бўйича иккита область рекорди қўйди. «Средазхиммаш» заводининг ишчиси ўрток Мусин коп'ё улоқтириш бўйича янги рекорд қўйди.

Сузиш бўйича ўтказилган мусобақаларда 7 область рекорди қўйилди. Оқ-қўрғон районининг вакили ўрток Варюхин 100 ва 400 метрга эркин стиль блан сузишда биринчи ўринни олди.

Область спартакиадаси якунланган-гач, Чирчиқ физкультурачилар коллективининг биринчи ўринни эгаллагани ма'лум бўлди. Бу коллективга кўчма Қизил байроқ ва дипломлар топширилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 28/VII да **Юрак сирлари**, 29/VII да — **Қутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза театрининг ёзги биноси) — 28/VII да **Муқимий.** Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Р. Ҳамраев** ва артист **Э. Жалилова** қатнашади. 29/VII да **Олтин кўл**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кеч соат 8 гача), СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли (кундуз соат 3 дан кеч соат 10 гача), «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутгача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» янги бадиий фильм — **Бунн унутиш мумкин эмас.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да **Сицилия осмони тагида.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Бунн унутиш мумкин эмас.**

«ОКТЯБРЬ» — **Албаниянинг буюк жангчиси Скардербег.**

«9-НЧИ МАЙ